БУГУНГИ СОНДА:

Балжувон минтақасида сайёҳлик истиқболи 3



Американинг 755 нафар дипломати Россияни тарк этади 6



Анъана, тантана ва урф-одатларимизни тартибга солиш - давр тақозоси 8


# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри

№ 31 (20035) 2017 йил 3 август.

Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган


# ДАВЛАТ БОШЛИҒИ ХАТЛОН ВИЛОЯТИНИНГ БАЛЖУВОН НОҲИЯСИДА





**27 июл куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон бунёдкорлик ишларининг бориши билан танишиш, турли соҳадаги бир қатор иншоотларни очиш ва бошқа иншоотларда қурилиш ишларини бошлаб бериш, фуқаролар ҳамда фаоллар билан учрашиш мақсадида Хатлон вилоятининг Балжувон ноҳиясига ташриф буюрди.**

**Ушбу тоғли ноҳия раҳбарияти, фаоллари, ветеранлари, ёшлар, маориф ва маданият соҳаси намояндалари Тожикистон Республикаси Президенти, Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмонни ўзига хос самимият ва кўтаринки кайфиятда кутиб олишди.**

2

## ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИ

**Судяларни озод этиш тўғрисида**

Тожикистон Республикаси Конституциясининг 69-моддасига мувофиқ ***фармон бераман:***

Амонулло Муқаиршо Тоғли Бадахшон мухтор вилояти Хоруғ шаҳар суди раиси вазифасидан, Нуруллозода Қосим Хатлон вилояти Жалолиддин Балхий ноҳияси суди раиси вазифасидан, Нурализода Зумрад Қосим судялик лавозимида бўлишнинг энг сўнгги ёшига етгани сабабли Хатлон вилояти Шамсиддин Шоҳин ноҳияси суди раиси вазифасидан озод этилсинлар.

***Тожикистон Республикаси Президенти*** ***Эмомали РАҲМОН,***

*1 август 2017 йил, Душанбе шаҳри.*

*№906.*

*"Ховар" ТМАА.*

## Душанбеда бунёдкорлик ишлари

-Давлат ҳокимияти Душанбе шаҳар ижроия органи фаолият йўналишларининг бири саноат соҳасини тараққий эттириш ҳисобланади, - деди Душанбе шаҳри раиси биринчи ўринбосари Маҳмадсаид Зувайдзода шаҳарнинг жорий йил олти ойлик фаолиятига бағишланган матбуот конференциясида. – Ҳисобот даврида турли шаклдаги 463та саноат корхоналари томонидан, тадбиркорлик субъектларини ҳисобга олган ҳолда, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 750 миллион 300 минг сомонийга етказилди. Бу кўрсаткичнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 фоизга кўп демакдир.



Бу давр мобайнида шаҳарда 24та ишлаб чиқариш корхона-ю цехлари 112та янги иш ўринлари яратиш билан иш бошлагани давлат ҳокимияти Душанбе шаҳар ижроия органи томонидан аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари яратиш борасида олиб бораётган ишлари самараси сифатида баҳоланди.

Матбуот конференцияси давомида, шунингдек, давлат

4

*Рамазон РАҲИМЗОДА:*

## - Ўт ўчирувчиларга халақит берганлар жавобгарликка тортилади

- Ички ишлар органи жиноятчилик ва қонунбузарликка қарши курашда етакчилардан бири ҳисобланади, - деди 2017 йил биринчи ярмидаги хизмат фаолияти якунига бағишланган матбуот конференцияси аввалида Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазири Рамазон Раҳимзода.



Унинг билдиришича, жорий йилнинг олти ойи давомида республика бўйлаб 12 минг 639та жиноят қайд этилган бўлиб, жиноятларни ошкор этиш даражаси 83 фоизни ташкил этган.

Матбуот конференцияси жараёнида, шунингдек, ҳисобот даврида 2233та оғир жиноят қайд этилгани, бундан 49таси қотиллик, 23та қароқчилик, 77та ўғирлик - тунаш, 26та номусга тажовуз, 60та қасддан саломатликка зарар етказиш, 564та безорилик, 3119та ўғирлик ва 1408тасини қаллоблик жиноятлари ташкил этиши қайд этиб ўтилди.

Жорий йил давомида республикада 591та йўл транспорт ҳодисалари қайд этилган. Унинг натижасида 194 киши дунёдан

4




*Гулнора ҲАСАНЗОДА:*

## -Маошининг 75 фоизи озиқ-овқат учун сарфланадиган одам камбағал ҳисобланади

Тожикистонда умр ўртача давомийлиги 73 йилдан бироз ошади. Бу ҳақда 27 июл куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида Тожикистон Республикаси Президенти қошидаги Статистика агентлиги директори Гулнора Ҳасанзода маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, айни пайтда юртимизда ёши 100дан ошган 80 киши истиқомат қилади. Шундан 50 нафарини аёллар, 30 нафарини эркаклар ташкил қилади.



Статистика агентлигининг демография ва аҳоли бандлиги бошқармаси бошлиғи Абдували Қулов мамлакатда сўнгги йилларда аҳоли умри ўртача давомийлиги бир-икки йилга ошганини айтди. «Бунинг устига, эркакларда ўртача яшаш давомийлиги 69 ёшни ташкил қилади. Аёллар эса, узоқроқ – 74 ёшдан кўпроқ яшайдилар»,- деди Абдували Қулов.

Унинг сўзларига кўра, мамлакат аҳолиси сони жорий йил 1 июл ҳолати бўйича 8 миллион 829 минг кишини ташкил қилган.

Гулнора Ҳасанзоданинг таъкидлашича, Бутунжаҳон банкининг қўллаб-қувватловида ўтказилган Статистика

4

*Ж. НУРАЛИЕВ:*

## - Металл тангалар муомалага чиқарилади

-Мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми 2017 йилнинг биринчи ярмида 24 миллиард сомонийни ва унинг реал ўсиши 6,0 фоизни ташкил этди, - деди Тожикистон Миллий банк раиси биринчи ўринбосари Жамолиддин Нуралиев мазкур банк фаолияти борасида журналистларга маълумот берар экан. – Республика иқтисодиёти ўсиши, асосан, саноат (21,3 фоиз), қишлоқ хўжалиги (6,4 фоиз) ва чакана савдо айланмаси (3,6 фоиз) ҳисобидан таъминланди.



Матбуот конференцияси давомида, ўтган давр ичида инфляция даражаси 5,9 фоизни ташкил этиб, 2016 йилнинг олти ойи билан таққосланганда 2,8 фоизга кўплиги таъкидланди. Инфляция бу давр мобайнида, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари (8,3 фоиз), ноозиқ-овқат маҳсулотлари (1,3 фоиз) ва хизмат кўрсатиш (4,9 фоиз) нархлари-

4

*Саъдий КАРИМЗОДА:*

## - Лойиҳа доирасида 22 мингдан зиёд оиланинг турмуш шароити яхшиланди




- «Чорвачилик ва яйловларни ривожлантириш» лойиҳасини бошқариш маркази давлат муассасасининг мақсади Хатлон вилоятининг Темурмалик, Шамсиддин Шоҳин, Мўминобод, Балжувон ва Ховалинг ноҳияларини қамраб олган ҳолда, чорвачилик соҳаси маҳсулдорлигини ошириш

3

*М. ҚАЛАНДАРЗОДА:*

## - ИҚТИСОДИЙ ЗАРАРЛАР УНДИРИЛДИ



Тожикистон Республикаси Олий иқтисодий судидаги жорий йил олти ойлик фаолият якунларига бағишланган матбуот конференциясида Олий иқтисодий суд раиси Мавлуда Қаландарзода билан биргаликда Тожикистон Республикаси Президентининг Ёрдамчилар бўлими катта маслаҳатчиси Содиқ Шоназаров ҳам иштирок этди.

Дастлаб Мавлуда Қаландарзода журналистларни Тожикистон Республикаси Олий иқтисодий судининг жорий йил олти ойлик фаолияти натижалари билан қисқача таништириб ўтди.

Унинг сўзларига кўра, ўтган давр мобайнида республика иқтисодий судларига кўриб чиқиш учун 1087та иш келиб тушган. Шулардан 860таси суд қарорини чиқариш билан ҳал этил-

4

## ЮЗ БЕРАЁТГАН ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ «ЭКОҚУРОЛ»ГА АЛОҚАСИ БОРМИ?

-Тожикистон Фанлар академияси олимлари 2017 йил ярим йиллигида 88та мавзуда, жумладан, 47та илмий-текшириш, 41та амалий мавзуларда бир қатор кўзга кўринарли муваффақиятларни қўлга киритди,- дея хабар берди Фанлар академияси президенти Фарҳод Раҳимий.

Фарҳод Раҳимийнинг сўзларига кўра, қўлга киритилган ютуқлар барча фанлар ва соҳаларни қамраб олади. Жумладан, математика, астрофизика, физика, химия ва ҳоказо. Масалан, физиология ва генетика олимлари пахта ниҳолининг устки ва остки барглари узиб ташлангач, CO2 (карбонат ангидрид) алмашинуви тезлашишини мушоҳада қилишган. Пахтанинг бошқа қисми ва кўрагида ҳам бу ҳол юз беркан.



Қўлга киритилган ва киритилаётган ютуқлар сифатида қуёш нури асосида кичик электр станциялари ҳамда қайта тикланувчи энергия асосида фаолият юритувчи биостанцияларни ҳам

4

# ДАВЛАТ БОШЛИҒИ ХАТЛОН ВИЛОЯТИНИНГ БАЛЖУВОН НОҲИЯСИДА

1

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик даврида умумий тинчлик ва барқарорлик фазосида, Давлат бошлиғининг бевосита ҳаракатлари ва интилишлари туфайли Балжувон ноҳияси гуллаб-яшнай бошлади, унинг фуқаролари ҳаёт даражаси ва сифати яхшиланди.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг ноҳия аҳолиси томонидан самимий кутиб олиниши уларнинг давлат ва мамлакат Ҳукумати раҳбариятининг бунёдкорона сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашларидан гувоҳлик беради.

## Иккита замонавий турар жой биноси

**Хатлон вилоятининг Балжувон ноҳияси марказида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон дастлаб давлат хизматчилари, ногиронлар ва эҳтиёжмандлар учун мўлжалланган иккита замонавий турар жой биносини фойдаланишга топширилиш маросимида иштирок этди.**

Тожикистон Республикаси давлат мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида турли ташкилотлар ва идоралар ёш ходимлари, ноҳияда имконияти чекланган шахслар учун турар жойлар қурилиши ва фойдаланишга топширилишини Миллат пешвоси инсонпарварона амал, дея атади ҳамда бир неча нафар бахтли эгаларига янги квартиралар калитини тантанали равишда шахсан топширди.

Давлат бошлиғи янги квартиралар эгаларини давлат ва миллат олдидаги ўзларининг масъулият ва вазифаларининг садоқат билан ижро этиш, мамлакатни ободонлаштириш ва давлат мустақиллиги ютуқларини ҳимоялаш ишларида фаол иштирок этишга чорлади.



Турар жойлар шароити билан танишув чоғида мамлакат Президентига ушбу турар жой бинолари давлат маблағлари ҳисобидан икки йил мобайнида юқори сифатда, замонавий меъморчилик ва шаҳарсозлик талабларига жавоб берадиган тарзда қуриб битказилгани маълум қилинди.

Тожикистон Республикаси Президенти Ижроия аппарати Ҳукумат иншоотлари қурилиши бўйича дирекцияси буюртмасига асосан, «Шанс» МЧЖ томонидан қурилган турар жой биноси 12та бир, икки ва уч хонали квартирага эга. Мазкур иншоотда қурилиш ишларини бажариш учун 4 миллион сомоний сарфланган бўлиб, унинг лойиҳаси «Шаҳрофар» ОҲЖнинг тажрибали мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган.

Барча квартиралар ҳаёт учун зарур бўлган ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, бино Балжувон ноҳияси марказидаги яшаш учун қулай минтақада жойлашган.

Бино саҳнида, шунингдек, болалар ўйин майдончаси ва фуқаролар истироҳат маскани қурилган бўлиб, бу болалар яхши таълим ва тарбияси, айниқса, болалар, ўсмирлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга ҳисса қўшади.

Бугун тантанали тарзда фойдаланишга топширилган бошқа бир бино Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг 3 миллион 850 минг сомоний маблағи ҳисобидан қурилган бўлиб, биринчи бино каби икки қават ва 12та бир, икки ҳамда уч хонали квартиралардан иборат.

Мазкур иншоотдаги қурилиш ишлари 2015 йили «Субҳи тандурустий» жамият ташкилоти ишчилари ва мутахассислари томонидан бошланганди.

Аксариятини ёшлар ташкил қилувчи давлат хизматчилари ва эҳтиёжманд оилалар, ўз навбатида, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонга янги квартираларда яшаш учун қулай шароитлар яратгани учун миннатдорчилик билдиришиб, давлат ва миллат манфаатлари йўлида ҳалол хизмат қилиш, Балжувон ноҳияси ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишга ваъда беришди.

Балжувон ноҳияси 1996 йили давлат мустақиллиги даврида ташкил этилган бўлиб, ушбу даврда унинг маркази ва қишлоқларида турли соҳалардаги кўпгина иншоотлар қурилган ва фойдаланишга топширилган. Жумладан, ноҳия марказида ўнлаб маъмурий ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилган ва фойдаланишга топширилган бўлиб, натижада, аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси бир неча баравар яхшиланди ва барча соҳалар тараққиёти таъминланаяпти.

2008 йили Тожикистон Республикаси Ҳукумати қарори билан тасдиқланган Балжувон ноҳияси маркази бош режаси асосида бугунги кунгача 5та замонавий турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилган. Яна 5та кўп қаватли бинолар қурилиши режалаштирилган.

Эслатиб ўтиш жоизки, 2015 йили Давлат бошлиғининг бевосита топшириғи ва кўрсатмасига биноан, Балжувон ноҳиясида замонавий икки қаватли бино фойдаланишга топширилган бўлиб, ноҳия давлат ташкилотлари ва идораларининг 12 нафар ходими турар жой билан таъминланган эди.

## Маориф ва илм бўлими янги биноси фойдаланишга топширилди

**Хатлон вилоятининг Балжувон ноҳиясига иш ташрифи доирасида мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ноҳия маориф ва илм бўлими янги биносини фойдаланишга топширди.**

Мазкур бино уч қаватдан иборат бўлиб, замонавий меъморчилик талабларига мувофиқ тарзда қурилган. Бино лойиҳаси «Абрис» МЧЖ томонидан Тожикистон Республикаси Маориф ва илм вазирлиги буюртмасига асосан ишлаб чиқилган. Қурилиш ишлари «Фараҳноз» МЧЖ мутахассислари ва қурувчилари томонидан бажарилган.

Балжувон ноҳияси маориф ва илм бўлимининг янги биноси республика бюджети маблағлари ҳисобидан 0,2 гектар майдонда қурилган. Унинг лойиҳавий қиймати 2 миллион 170 минг сомонийни ташкил қилиб, шундан 264 минг сомонийси бино кабинетларини зарур соҳавий ускуналар билан жиҳозлаш учун сарфланган.

Бинонинг биринчи ва иккинчи қаватларида 12та иш кабинети жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири янги стол-стуллар, шкафлар, компютерлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган. Учинчи қаватда 80 ўринли мажлислар зали ва меҳмонлар учун 3та ҳужра жойлашган бўлиб, бу ерда яшаш учун барча зарур шароитлар яратилган.

Балжувон ноҳияси маориф ва илм бўлими биноси қурилиш ишлари жараёнида 40дан зиёд маҳаллий аҳоли иш жойлари ва юқори ойлик маош билан таъминланди.

Миллат пешвоси ушбу бино кабинетларига ташрифи ва муҳайё этилган шароитлар билан танишуви чоғида келажакда ноҳия маориф ва илм соҳаси мутахассислари бундай шароит ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ноҳия мактабларида ўқувчилар таълим-тарбияси сифату даражасини юксалтириш учун ўз ҳаракатларини икки баравар оширишлари зарурлигини таъкидлади.

## «Кангурт-Балжувон-Ховалинг» автомобил йўли қурилиши бошланди

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Балжувон ноҳиясига иш ташрифи доирасида «Кангурт-Балжувон-Ховалинг» автомобил йўли қурилишини бошлаб берди ва унинг лойиҳаси билан танишди.**

«Кангурт-Балжувон-Ховалинг» автомобил йўли қурилиши лойиҳаси тақдимоти жараёнида Тожикистон Республикаси Президентига йўлнинг узунлиги 43 километрни ташкил қилиши, унинг қурилиши «Восе-Ховалинг» лойиҳавий автомобил йўлининг 22-километридан бошланиши маълум қилинди.

Мазкур йўл қурилишига 11,8 миллион Америка доллари назарда тутилган бўлиб, Тожикистон Республикаси Ҳукумати билан келишилган ҳолда, ушбу лойиҳа «Восе-Ховалинг» автомобил йўлидан тежалган ва грант маблағлари ҳисобидан амалга татбиқ этилади.

Лойиҳа билан танишув чоғида мамлакат Президенти Транспорт вазирлигининг масъул шахсларига ишларни юқори сифатда охирига етказиш бўйича аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Лойиҳага биноан, бир вақтда ушбу йўлнинг дарёлар билан кесишган ҳудудларида узунлиги 500 метр бўлган 6та автомобил кўприги қайта тикланиши қайд қилинди.

Ушбу кўприклар юк ташиш автомобилларининг ҳаракати натижасида қайта тикланишга эҳтиёж сезмоқда. «Кангурт-Балжувон-Ховалинг» автомобил йўли қурилиши лойиҳаси тўлиқ амалга татбиқ этилиши билан бу йўналишда ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг мушкулликлари бартараф этилади.

«Кангурт-Балжувон-Ховалинг» автомобил йўлини яхши ҳолатда сақлаш мақсадида 1 минг 640 метр масофада соҳил мустаҳкамлаш ишларини йўлга қўйиш назарда тутилган.

Лойиҳа таъмирга муҳтож участкалар, аҳоли яшайдиган минтақалар, 29та сув қувури, 7та янги қувур, 25 минг 880 метр ҳимоя иншоотлари, 4 минг 870 метр кенглиги 1,5дан 3 метргача бўлган пиёдалар ўтиш йўли ва 19 минг 390 метр темир-бетон зовурларни ўз ичига олади.

Миллат пешвосига лойиҳа тақдимоти жараёнида маълум қилишларича, «Кангурт-Балжувон-Ховалинг» автомобил йўлида қурилиш ишлари 18 ойда бажарилади.

Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон мазкур йўл қурилиши лойиҳаси билан танишувдан кейин Балжувон ноҳияси марказида вилоят фаоллари ва ноҳия фуқаролари билан учрашув ўтказди.

Миллат пешвоси ўз чиқишида Хатлон вилоятининг Балжувон ноҳияси марказида бир қатор ҳаётан муҳим иншоотлар очилишини Тожикистон Республикаси давлат мустақиллигининг навбатдаги санасини кутиб олиш арафасида муносиб совға, дея атади.

## Сари Хосор қишлоқ жамоатида туғруқхона бўлими

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Сари Хосор қишлоқ жамоати 2-рақамли минтақавий касалхонаси қошида туғруқхона бўлими биноси очилиши маросимида ҳам иштирок этди.**

Маълум қилишларича, мазкур иншоотда қурилиш ишлари 2016 йилнинг мартида бошланган ва ушбу даврда туғруқхона бўлими биноси юқори сифатли ва давр талабларига мувофиқ тарзда қуриб битказилган.

Бино 9та ташхис ва даволаш кабинетлари, бошқа ёрдамчи бинолардан ташкил топган бўлиб, тиббий хизмат кўрсатишнинг қулай шароитларига эга. Кабинетлар замонавий ускуналар, жумладан, ЭКГ, ултрасадо ва аёллар касалликларини даволаш учун бошқа тиббий ускуналар билан жиҳозланган.

Сари Хосор туғруқхонасига зарур бўлган тиббий ускуна ва аппаратлар хариди учун 300 минг сомонийдан зиёд, қурилиш ишларига 1 миллион 200 минг сомоний сарфланган.

Миллат пешвоси туғруқхона шароитлари билан танишув чоғида қурилиш ишлари сифатига юқори баҳо берди ва дўхтирларни ҳалолу виждонан ишлашга даъват этди.

Маълум бўлишича, мазкур иншоот ватанпарвар тадбиркор Рустам Саидовнинг маблағлари эвазига қурилган. Қурилиш ишлари «Евро-стандарт» компанияси томонидан ижро этилган.

Сари Хосор қишлоқ жамоатининг янги туғруқхонасида турли мутахассисликларга эга бўлган 15 нафар шифокор доимий иш жойи ва яхши ойлик маош билан таъминланган.

Мамлакат Президенти Сари Хосор қишлоқ жамоати марказида замонавий туғруқхонани очар экан, унинг ходимларига битта «Тез ёрдам» машинасини совға қилди. Совға фуқаролар томонидан хурсандчилигу миннатдорчилик билдириш ва самимият билан қабул қилиб олинди.

## Халқ хўжалиги ютуқлари билан танишув

**Балжувон ноҳиясига иш ташрифи доирасида Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Сари Хосор қишлоқ жамоати халқ хўжалиги ютуқлари билан танишди.**

Кўргазмага Сари Хосор қишлоқ жамоати аҳолиси ўз меҳнатлари самараси, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, доривор гиёҳлар ва ўтлар, ҳунармандчилик буюмларини чиқаришди.

Жамоат хўжаликларининг ютуқлари, айниқса, ёнғоқ, турли тутлар, наъматак, зирк ўсимлиги, шомурут, олчанинг бир неча тури, қуритилган олма, нок, ўрик, узум, гилос каби ширindan-шакар мевалари, мевали мураббolar, данаклар ва Сари Хосор ҳудудида йиғилган турли доривор гиёҳларга алоҳида эътибор қаратилди.

Умуман, доривор гиёҳларнинг 20 тури намойишга қўйилди. Сари Хосор минтақасида шифобахш хусусиятга эга бўлган қарийб барча ўсимликлар мавжудлиги хабар қилинди.

Шунингдек, жамоат хўжаликларининг картошка, пиёз, сабзи, бодринг, ошқовоқ каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам кўргазмага чиқарилди.

Давлат бошлиғи Сари Хосор қишлоғи хотин-қизларининг қўл ҳунарлари маҳсулотлари ва қандолатчиликдаги маҳоратларига юқори баҳо берди.

Шу ернинг ўзида Миллат пешвосига Сари Хосор қишлоқ жамоати ҳудудида келажакда қуриладиган иншоот лойиҳаси таништирилди.

Маълум қилинишича, яқин келажакда Сари Хосор минтақасида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш мақсадида 7та замонавий меҳмонхона қурилади. Сари Хосор қишлоқ жамоати аҳолисига тиббий ва спорт хизмати кўрсатиш даражаси янада юксалиши назарда тутилаётган бўлиб, айни пайтда ушбу соҳада яна 5та иншоот лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мамлакат Президентига тадбиркорлар томонидан келажакда қуриладиган бинолар лойиҳалари ва уларнинг жойлашув манзили борасида маълумот берилди. Шунингдек, яхши хизмат кўрсатиш шароитини яратиш ва аҳоли фаровонлик даражасини юксалтириш учун турли соҳаларда яна 8та бошқа иншоотлар қурилиши маълум қилинди.



Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон мазкур йўналишдаги тадбиркорлар ва масъул шахсларни тақдимоти ўтказилган иншоотлар қурилиши чоғида қурилиш ишлари сифатига биринчи даражали эътибор қаратишга ҳидоят қилди.

## «Балжувон-Сари Хосор» автомобил йўли қурилиши

**Хатлон вилоятининг Балжувон ноҳиясига иш ташрифи доирасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Сари Хосор қишлоқ жамоатида қуриладиган иншоотлар лойиҳаси ва «Балжувон-Сари Хосор» автомобил йўлининг бошланиши билан танишди.**

Лойиҳани татбиқ этиш жараёнида асосий техник иншоотлар, жумладан, кенглиги 8 метр бўлган 34 километр йўл, 87та иншоот, диаметри 1дан 4 метргача бўлган темир-бетон сув қувурлари, узунлиги 120 метрлик битта кўприк, 9,6 километр масофада соҳилмустаҳкамлаш ишлари, 150 метр узунликка эга бўлган таянч деворлари қурилиши режалаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йўл қурилишига 53,1 миллион сомоний маблағ сарфланиши керак.

Ушбу йўл бўйлаб 11та қишлоқ, 860та хўжалик жойлашган ва 6 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Балжувон ноҳияси Тожикистон Республикасининг тоғли минтақаларидан бири ҳисобланади. Релефи жуда мураккаб, катта қисмини тоғ минтақалари ташкил қилади. Ноҳия марказига бориб келиш учун автомобил йўли мавжуд бўлмагани сабабли Сари Хосор қишлоғи аҳолиси кузги-қишки мавсумда мушкулликлар билан рўпара келади.

Йўл қурилиши буюртмачиси Тожикистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисобланиб, қурилиш ишларини Транспорт вазирлигининг қурилаётган муассасалари давлат маъмурияти ҳамда бошқа маҳаллий қурилиш компаниялари ижро этади.

Бугунги кунгача Балжувон-Дулонамайдон, Балжувон-Дашти Майдон автомобил йўлининг 9 километри қурилган ҳамда 1995 йили «Балжувон-Сари Хосор» автомобил йўли қурилиши лойиҳаси ишлаб чиқилган. Ҳар йили 500 мингдан 1 миллион сомонийгача маблағ ҳисобида ишлар ижро этилган бўлиб, 1995 йилдан 2017 йилгача бажарилган ишлар умумий маблағи 6 миллион 50 минг сомонийни ташкил қилади. Бугун 34 километр масофадаги йўлнинг қарийб барча участкаларида ишлар давом эттирилмоқда. 2016 йили Боғи Зоғондан Шайдонгача 10 километр асфалтли йўл қурилган бўлиб, Шайдон, Тоҳирдара, Дашти Килко, Чилторий, Дошмандий ва Баҳор қишлоқлари йил давомида бир-бири билан боғланган.

Давлат бошлиғи лойиҳа билан танишув чоғида «Балжувон-Сари Хосор» автомобил йўлининг сифатли ва ўз вақтида қурилиши аҳолининг бемалол ҳаракатланиши, экин майдонлари ўзлаштирилиши, ўрмонлардан самарали фойдаланиш, мева ва сабзавотларни йиғиш ҳамда сайёҳлик соҳаси тараққиётига ҳисса қўшишини қайд қилди.

*«Ховар» ТМАА.*

# САРИ ХОСОР – ҚАДИМИЙ ВА ГЎЗАЛ МАСКАН

## Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Балжувон ноҳияси Сари Хосор қишлоқ жамоати аҳолиси билан учрашувда сўзлаган нутқи

*27 июл 2017 йил, Балжувон ноҳияси.*

**Азиз ватандошлар!**

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Гўзал Балжувон ноҳиясига иш ташрифи доирасида биз бугун сизлар, жаннатмакон Сари Хосор қишлоғи, яъни қаҳрамон Восе ва миллатимизнинг ўнлаб номдор ўғлонларининг ватани аҳолиси билан учрашишга қарор қилдик.

Сари Хосор мавзеси жуда қадим тарихга эга бўлиб, халқимизнинг илм, адабиёт, маънавият ва маданиятини ривожлантириш марказларидан бири ҳисобланади.

Шу сабабли ва жуда қулай иқлим шароити, сув захирасининг кўплиги, ўзининг нотакрор гўзал табиати туфайли Сари Хосор кўп асрлар мобайнида ҳукмдорларнинг қўним топадиган маскани бўлган.

Олимларнинг тадқиқотларидан келиб чиқишича, Сари Хосорда сув, мевали боғлар, ўрмонлар ва ўтлоқларнинг мўллиги бронза даври, яъни эрамизгача бўлган иккинчи минг йилликда чорвачилик ва одамлар учун доимий яшаш жойлари қурилишига ҳисса қўшган.

Бир неча йил аввал Шайдон қишлоғида қабристон топилган бўлиб, унда археологларнинг хулосасига кўра, Эфталит даври жангчилари кўмилган. Бу эса, эрамизнинг мелодий иккинчидан бешинчи асригача бўлган даврига тўғри келади.

Бу топилма Сари Хосор тарихи қадимийлигини исботловчи яна бир аниқ факт ҳисобланади.

Олимларнинг фикрича, Сари Хосор ибораси Хуросон ёки тарихий Хуросон бошланиши ҳамда қуёш томонида жойлашган минтақани англатади.

Шу сабабли, бир қатор илмий ва илмий-оммавий китобу мақолалар нашрдан чиққанига қарамасдан, бу қадим минтақа тарихи, ҳаёт тарзи, деҳқончилик ва чорвачилик маданияти, бу ерда истиқомат қилувчилар ўтмишдаги ҳаёти бошқа масалалари ҳанузгача тўлиқ ўрганилмаганини эслатишни истардим. Бу эзгу ишни ижро этиш, яъни тожик заминининг бир минтақаси тарихи ва маданиятини реал тарзда ҳамда муносиб ўрганиш олимлару мутахассисларнинг вазифаси ҳисобланади.

Сари Хосор минтақаси, айниқса, сайёҳликни ривожлантириш учун жуда қулайдир. Бу ерни сайёҳлик минтақаси талабларига мослаштириш, яъни сайёҳлар ва меҳмонлар учун замонавий инфратузилмалар ташкил қилинса, мазкур минтақа аҳолига юзлаб янги иш жойлари яратиш ва яхши даромад билан таъминлаш манбаи сифатида хизмат қилади.

50 метрлик шаршара бу водийнинг энг чиройли мавзеларидан бири ҳисобланиб, у мамлакатимизнинг энг гўзал ва баланд шаршараларидан бири сифатида денгиз сатҳидан 2010 метр баландликда бу минтақанинг ҳамишабаҳор тоғларига кўрк бағишлайди.

Балжувон ноҳияси раҳбарияти ва фаоллари билан учрашувда таъкидлаганимдек, Сари Хосор мавзеси юқорида зикр этилган имкониятлари билан мамлакатимизнинг энг гўзал экологик тоза сайёҳлик минтақаларидан бири ҳисобланиб, қулай иқлим, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликларга эга.

Бундай бетакрор табиатни ҳимоялаш ва асраш, бу мавзени ободонлаштириш ва мамлакатнинг сайёҳлик минтақаларидан бирига айлантириш мақсадида, 2003 йил октябрида мамлакат Ҳукумати қарори билан Сари Хосор Табиий боғи ташкил қилинган эди.

Шунингдек, бу мавзенинг ноёб ва бетакрор табиати, тоза ва шифобахш сувлари-ю ҳавосини ҳисобга олган ҳолда, 2011 йилнинг 3 мартида мамлакат Ҳукумати томонидан Сари Хосорда Халқаро соғломлаштириш маркази давлат муассасасини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Шу сабабли, мамлакат Ҳукумати хусусий сектор билан ҳамкорликда сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик соҳаларини келгусида ривожлантириш, йўл тармоқларини қуриш ва умуман, замонавий инфратузилмани яратиш учун барча зарур чора-тадбирларни қабул қилиш ниятидадир.

2011 йили Балжувон ноҳиясига иш ташрифим ва Сари Хосор қишлоқ жамоати билан танишув чоғида учта янги ижтимоий ва маданий иншоотлар, жумладан, минтақавий соғломлаштириш маркази, кутубхона ва тарихий-ўлкашунослик музейи очилиши маросимида иштирок этиб, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органи раҳбарларига аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ноҳия йўллари, жумладан, Балжувон-Сари Хосор автомобил йўлини қуриш ва қайта тиклаш ҳамда мева ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга доир аниқ топшириғу кўрсатмалар бергандим.

Албатта, бу даврда мамлакат Ҳукумати қўллаб-қувватлаши ва фуқаролар саъй-ҳаракатлари туфайли юртимизнинг бу нотакрор ва гўзал мавзесини ободонлаштириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилган. Аммо буларнинг барчаси бизни ҳали қониқтирмайди. Сари Хосорни замонавий сайёҳлик минтақасига айлантириш учун ноҳиянинг ҳар бир фуқароси, биринчи навбатда, раҳбарлар, мутахассислар ва ватанпарвар тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати ва интилишлари зарурдир.

Ноҳия аҳолиси, раҳбарияти ва фаоллари билан учрашувимда бу йўналишдаги баъзи зарур топшириқ ва ғояларимни янги ташкил этилган Сайёҳликни ривожлантириш комитети ва давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органи масъул шахсларига айтиб ўтдим. Ҳозир эса, жаннатмакон юртимиз ҳудудида жуда кўп сайёҳлик минтақалари мавжудлигини яна бир марта қайд қиламан.

Биз ҳалол меҳнатимиз, ички ва ташқи сармояларни жалб этиш орқали юртимизнинг ушбу гўзал мавзесини ободонлаштириш, бу ерга имкон қадар кўпроқ маҳаллий ва хорижий меҳмонлару сайёҳларни жалб этишимиз зарур.

Балжувон ноҳияси, жумладан, Сари Хосор мавзеси қишлоқларида сайёҳлик соҳасини ривожлантириш учун имкон қадар тезроқ ҳал этиш зарур бўлган бир қатор муаммо ва масалалар мавжуд.

Мисол учун, соҳа инфратузилмаларининг талабларга мувофиқ эмаслиги, мутахассислар етишмаслиги, аҳолининг сайёҳларни қабул қилиш учун тайёрланмаганлиги, молиялаштиришнинг етарли эмаслиги, соҳа менежменти паст даражаси ва кўпгина сайёҳлик минтақаларининг деҳқон хўжаликлари билан боғлиқлиги соҳа тараққиёти ва умуман, Сари Хосор қишлоғи тараққиёти-ю гуллаб-яшнашига тўсиқ бўлаётган омиллардан ҳисобланади. Бу мутахассис ва таҳлилчиларнинг хулосасига биноан, яқин келажакда миллий иқтисодиётимиз энг муҳим рағбатлантирувчи ричаги, мамлакатимизнинг бир қатор шаҳар ва ноҳиялари тараққиёти сайёҳликнинг турли йўналишини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир ҳолатда рўй бермоқда.

Айнан шунинг учун, 2017-2020 йиллар учун Балжувон ноҳияси ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастури доирасида сайёҳликни ривожлантириш учун база, жумладан, замонавий инфратузилмани яратиш орқали экологик, маданий сайёҳлик, алпинизм, овчилик ёки овчилик сайёҳлигини ташкил қилиш назарда тутилган.

Кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун, энг аввало, йўллар қурилиши ва қайта тикланиши, сайёҳлик инфратузилмаси ташкил этилишига биринчи даражали эътибор қаратиш, шу билан бир вақтда маҳаллий ва хорижий сайёҳларни жалб этиш учун ҳозирданоқ янги сайёҳлик маршрутларини ташкил этиш, давлат ва хорижий тилда ахборот ва реклама дастурлари циклини йўлга қўйиш зарур.

Бу жараёнда маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар ва янги иш жойлари яратиш масаласига биринчи даражали эътибор қаратиш зарур.

Сари Хосор мавзеси, хусусан, келгусида қайта ишлаш учун қарийб 300 хил доривор гиёҳлар ва ўсимликлар, жумладан, мамлакатда фармацевтика саноатини ривожлантириш учун турли хил зарур материалларни тайёрлаши ва етказиб бериши мумкин.

Ноҳия ҳамда тегишли тузилма ва органлар раҳбарияти-ю мутахассислари ўрмон захираларини ҳимоялаш ва бу минтақанинг гўзал табиати, хусусан, флора ва фаунасини сақлаш мақсадида ўрмонлар майдонини кўпайтириш, уларни парвариш қилиш, ёнилғи материаллари – кўмир ва газни захира қилиш учун шароит яратишга жиддий эътибор беришга вазифадордирлар.

Бундан ташқари, Сари Хосор қишлоқ хўжалиги, энг аввало, картошкапарварлик, боғдорчилик, асаларичилик, чорвачиликни ривожлантириш учун жуда кенг имкониятларга эга бўлиб, улар, яъни табиатнинг ўзи томонидан яратилган шароитлардан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш зарурдир.

Бир мунча вақт аввал Сари Хосор қишлоқ жамоатини ободонлаштириш мақсадида биз 20та хизмат кўрсатиш ва ижтимоий иншоотлар, кичик гидроэлектростанциялар қурилишини бошлаб бериб, туғруқхона янги биносини очдик.

Бу олдинда турган икки-уч йил мобайнида Сари Хосорнинг бир қатор қишлоқларида замонавий меҳмонхоналар, таълим ва соғломлаштириш муассасалари, спорт заллари ва майдончалари, қишлоқ хўжалиги экинлари учун иссиқхоналар бунёд этилиб, юзлаб маҳаллий фуқаролар иш жойларига эга бўлишини англатади.

Режа асосида ва юқори сифатли тарзда охирига етказиладиган мазкур иншоотлар қурилиши бу минтақада сайёҳликни ривожлантириш ва аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришга жиддий туртки беришига ишончим комил.

Балжувон ноҳияси, жумладан, Сари Хосорда ҳалол ва ор-номусли тадбиркорлар, саховатли тижоратчилар кўп. Улар ўзларининг номдор ота-боболарининг жасоратларини давом эттирган ҳолда, ноҳияни келгусида ривожлантириш ҳамда Сари Хосорни гуллаб-яшнаган мавзе ва сайёҳликнинг замонавий марказларидан бирига айлантиришларига ишончим комил.

Шу сабабли, кўп марта айтиб ўтганимдек, бир нуқтани яна бир бор эслатишни истайман. Гап шундаки, фақат ўз ҳалол меҳнатимиз ва юксак ватанпарварлик туйғуси билан Ватанимизни ободонлаштиришимиз ва ривожлантира олишимиз, келажак авлодга гўзал юрт, ривожланган давлат, озод ва тинч жамият қолдира олишимиз мумкин.

**Ушбу эзгу йўлда барчангизга, Сари Хосор қишлоғининг маънавиятли ва ҳалол аҳолисига муваффақиятлару ютуқлар тилайман.**

**Ҳамиша қаддингиз тик ва бахтли бўлинг!**

*«Ховар» ТМАА.*

# БАЛЖУВОН – САЙЁҲЛИК УЧУН ҚУЛАЙ МИНТАҚА

## Миллат пешвосининг Балжувон ноҳияси раҳбарияти, фаоллари ва аҳолиси билан учрашувда сўзлаган нутқи

*27 июл 2017 йил, Балжувон ноҳияси.*

**Азиз ватандошлар!**

**Ҳурматли иштирокчилар!**

**Энг аввало, сиз – Балжувон ноҳиясининг меҳмондўст аҳолисига самимий ва илиқ истиқбол учун миннатдорчилик билдириб, ҳар бирингизга фаровонлик, ноҳия тараққиёти ва азиз Тожикистоннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорона фаолиятингизда омад ва муваффақиятлар тилайман.**

Балжувон ноҳияси, ҳақиқатдан ҳам, азиз Тожикистонимизнинг жуда қадим тарихга эга бўлган жаннатмакон мавзеларидан бири ҳисобланади.

Олимлар тадқиқотларига биноан, Балжувон Балхиён атамасининг бузилган ва ўзгартирилган шакли бўлиб, унинг ҳудудидан топилган тарихий топилмалар тош асри даврида бу ерда одамлар яшаганликларидан гувоҳлик беради.

Балжувон аҳолиси қадимдан Ҳисор, Дарвоз ва бошқа минтақалар билан савдо муносабатларига эга бўлиб, унинг бозорларига Афғонистон, Россия, Туркистон ва Ҳиндистондан турли маҳсулотлар келиб турган.

Кейинроқ олимлар Балжувоннинг турли минтақаларида нафақат олтин, кумуш ва мис, балки қўрғошин, туз, нефт ва газ конлари ҳам мавжудлигини аниқлашди.

Балжувон ноҳияси ҳудудида Мир, Чорбоғ, Тўпхона, Дектур, Чаноро, Чавгоний, Додий қалъалари, Файзобод, Шаҳиди Бобохон мавзеларида тош асри манзилгоҳи каби, ҳақиқатдан ҳам, томошабоп масканлар ва тарихий ёдгорликлар жойлашган бўлиб, улар Балжувоннинг қадимийлигидан дарак беради.

Ноҳия ҳудудида, шунингдек, Сурхоб, Оби Мазор, Тира каби кучли сув манбалари ва бебаҳо табиий бойликлар, Ангора, Шикелдара, Шингидара, Гандара, Шибдара каби даралар, Пуштибоғ ва Камолий шаршаралари, 200га яқин шифобахш булоқлар, ҳайвонот оламининг ноёб турлари, доривор гиёҳлар, катта дарахтларнинг турли хили мавжуд бўлиб, бу ҳақиқатдан ҳам, Балжувон ва унинг атрофининг афсонавий ва хушманзара табиати кўрсаткичи ҳисобланади.

Балжувон ноҳия сифатида мустақиллик даврининг фарзандларидан бири ҳисобланиб, 1996 йилнинг 2 февралида ташкил қилинган. Ноҳия томонидан мустақиллик даврида эришилган ютуқлар мамлакат Ҳукуматининг ноҳияни ривожлантириш ва ободонлаштириш масалаларига қаратаётган алоҳида эътибори, олий мақсадлар, яъни аҳоли турмуш сифати ва даражасини юксалтиришга эришиш учун барча мавжуд имкониятлари захиралардан фойдаланаётганини кўрсатиб турибди.

Балжувон ноҳияси ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш ва фуқаролар турмуш шароитини яхшилаш мақсадида сўнгги 10 йил мобайнида молиялаштириш барча манбалари воситасида 209 миллион сомоний маблағ ажратилган. Олдинда турган 3 йилда, яъни 2018-2020 йиллар давлат бюджети ҳисобидан ноҳия тараққиёти учун 100 миллион сомонийдан зиёд маблағ ажратиш назарда тутилган.

Бугунги кунгача якунига етказилган 11та давлат сармоявий ва амалга татбиқ этилиши давом этаётган 5та бошқа лойиҳалар доирасида ижтимоий соҳалар ҳолатини яхшилаш, янги иш жойлари яратиш, қишлоқ хўжалигини устувор ривожлантириш, электр тармоқлари тартибли фаолияти, сув ва ер захираларини бошқариш, чорвачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигига тааллуқли бўлган бошқа масалаларга 87 миллион сомонийдан зиёд маблағ сарфланган.

Янги иш жойлари яратиш орқали ишсизлик даражасини камайтириш, саноат корхоналари бунёд этиш ва қайта тиклаш, маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланиш Тожикистоннинг 2016-2020 йиллар учун ўрта муддатли тараққиёт дастури асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу мақсадларга эришиш минтақанинг ҳар бир аҳолисидан тинимсиз меҳнатни талаб қилади. Балжувон ноҳиясининг 2017-2020 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий тараққиёти дастури шу мақсадда ҳаётга татбиқ этилаётган бўлиб, унда 189 миллион сомоний маблағга 71та лойиҳани амалга ошириш назарда тутилган.

Бироқ таҳлилларга биноан жорий йил биринчи ярми якуни бўйича ишлар ижроси жараёнида 4та лойиҳа доирасида атиги 2 миллион 200 минг сомоний ўзлаштирилган бўлиб, бу қониқарли эмас.

Мазкур дастурнинг сифатли ва белгиланган муддатда ижро этилиши ва ноҳия тараққиётини таъминлаш мақсадида давлат ҳокимияти Балжувон ноҳияси ижроия органи республика вазирлигу идоралари ва тегишли тузилмалари билан ҳамкорликни кучайтириш зарур.

**Қадрли иштирокчилар!**

Балжувон аграр ноҳия ҳисобланиб, унинг тараққиётида қишлоқ хўжалиги соҳаси биринчи даражали рол ўйнайди.

Статистик маълумотларга кўра, мустақиллик даври мобайнида ноҳияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2016 йили ноҳия деҳқонлари томонидан 196 миллион сомонийлик маҳсулот етиштирилган, бу 1996 йилга нисбатан 148 миллион сомонийга зиёддир.

Бироқ бу кўрсаткичлар ҳам қониқарли эмас. Чунки ноҳиянинг мавжуд имкониятларидан бугунги кунгача тўла ҳажмда фойдаланилмаган.

Ноҳия ҳудудида атиги 68 гектар суғориладиган ер мавжуд бўлиб, улар ноҳия аҳолисининг ўсимликчилик ва умуман, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга доир эҳтиёжларини таъминлаш имконини бермайди.



Шунинг учун, ноҳия, жумладан, Сўфий Амон, Садаҳо ва Шингидара мавзеларининг ташландиқ ерларини суғориш ноҳия қишлоқ хўжалиги соҳаси тараққиётини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги иш жойлари яратишнинг муҳим омилига айланиши мумкин.

Ноҳиянинг қулай шароити деҳқон хўжаликларига картошка, сабзавотлар, мевалар, ғалла етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ва қўшни ноҳияларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга имкон беради.

Шу сабабли, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, Мелиорация ва ирригация агентлигига мавжуд имкониятлар доирасида янги ерларни ўзлаштириш ва баланд тоғли минтақаларни суғориш мақсадида сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни молиялаштириш имкониятларини излаб топиш топшириғи берилади.

Шунингдек, ноҳия имкониятлари ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, экспортга мўлжалланган интенсив боғдорчилик майдонларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва уларни экспорт қилиш инфратузилмаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Балжувон ноҳияси бутали ўсимликлар ва доривор гиёҳларга бой бўлиб, мамлакатда алоҳида ўринни эгаллайди. Бироқ шу пайтгача унинг бу йўналишдаги имкониятларидан жуда кам фойдаланилган.

Аслида эса, мева ва доривор гиёҳларни қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар ташкил этиш, уларнинг ички ва ташқи бозорларда савдосини замонавий даражада ташкил этиш аҳоли учун қўшимча даромад манбаига айланиши ва шу билан бир вақтда соғломлаштириш сайёҳлигини ривожлантиришга қулай имконият яратиши мумкин.

Шундай экан, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органларига Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирликлари, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси, Мелиорация ва ирригация агентлиги, «Тожикматлубот» Иттифоқи ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлар билан ҳамкорликда экин майдонларини кенгайтириш, боғдорчилик, чорвачилик, асаларичилик, картошкапарварликни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун музлатиш ва сақлаш биноларини ташкил қилиш, доривор гиёҳларни қайта ишланишини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилишлари зарур.

Шу билан бир вақтда, мавжуд имкониятлар доирасида ташландиқ ерларни ўзлаштириш, картошка майдонларини кенгайтириш, янги боғлар барпо этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ва мевали дарахтлар ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик ва асаларичиликни ривожлантириш учун қўшимча захираларни излаш зарур.

Ҳар йили чорвачиликни ривожлантириш ва мамлакат турли ноҳияларидаги яйловлардан фойдаланишни тартибга солишга давлат бюджети ва хорижий сармояларни жалб этиш орқали керакли маблағлар ажратилади.

Жумладан, 2015-2017 йиллар мобайнида чорвачилик ва яйловларни ривожлантириш давлат дастури доирасида ноҳия ҳудудида 10 минг гектар яйловлар атрофини ўраш ишлари амалга оширилган.

Шу сабабли, ноҳияда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий технологияга эга корхона ташкил этишга муҳим аҳамият бериш зарурдир.

Қишлоқ хўжалиги, Саноат ва янги технологиялар вазирликлари, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари тегишли вазирликлару идоралар билан биргаликда маҳсулот, айниқса, чорва гўшти ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун имкониятларни излашлари зарур.

Шунингдек, ноҳияда маҳаллий хом ашё, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева ва доривор гиёҳларни қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар ташкил этиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Ноҳия тараққиёти, айниқса, ишлаб чиқариш тадбиркорлигини устувор ривожлантириш, маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сайёҳликни ривожлантириш учун фойдаланилмаган имконият ва воситалар жуда кўплигини яна бир марта эслатаман.

Шу сабабли, тегишли тузилмалар ва органлар, энг аввало, давлат ҳокимияти маҳаллий ижроия органи раҳбарлари тадбиркорлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва хусусий сектор шериклиги асосида сармоялаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилишига ҳисса қўшиш бўйича ўз фаолиятларини кучайтиришлари зарур.

Бироқ 2016 йилда ноҳия аҳолисига кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитлар ҳажми атиги 1 миллион 400 минг сомонийни ташкил қилган бўлиб, бу ўтган 5 йил олдинги кўрсаткичдан 25 фоизга камдир.

Жорий йилнинг 4 ойи мобайнида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 78 фоизга камайган.

Бундай муносабат билан мамлакатимизнинг узоқ тоғли ноҳияларидан бирида тадбиркорлик тараққиётини тасаввур қилиш имконсиз эканлигини қайд қиламан.

Шундай экан, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети, Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди, Миллий банк, тижорат банклари ва бошқа сармоявий банклар ноҳияда тадбиркорлик субъектларининг кредит ва сармоявий воситалардан фойдаланишларини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилишга вазифадордирлар.

Ноҳиянинг саноат тармоғи жуда ташвишли ҳолатда бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида унинг ҳиссаси атиги 7 фоизни ташкил қилиши ҳамда бу соҳада ноҳиянинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг бир фоизигина қамраб олинганини таъкидлаш жоиз.

Бу соҳада ички имкониятлардан имкон қадар тўлиқроқ фойдаланиш ва хорижий сармояларни жалб этиш зарур.

Чунки ноҳия нефт-газ конлари ва бошқа табиий бойликлар катта прогноз захираларига эга бўлиб, улардан самарали фойдаланиш ноҳия иқтисодиёти тараққиётига жиддий туртки бериши мумкин.

Шунинг учун давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органларига Саноат ва янги технологиялар вазирлиги, Сармоялар ва давлат мол-мулкини бошқариш давлат комитети билан биргаликда саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳажмини ошириш, тадбиркорликни ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш, саноат имконияти ва табиий захиралардан тўлиқ фойдаланиш, янги корхоналар ва иш жойлари ташкил қилиш учун қўшимча чора-тадбирлар қабул қилишлари зарур.

Айни пайтда ноҳия ҳудудида тош ва шағални қайта ишлаш бўйича корхона қурилиши давом этаётган бўлиб, Саноат ва янги технологиялар вазирлиги янги режалаштирилган иншоотлар маҳаллий қурилиш материаллари, жумладан, қум ва шағал билан таъминланиши учун уни имкон қадар тезроқ фойдаланишга топшириши керак.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Балжувон ноҳияси ноёб гўзал табиат, қулай иқлим ва қадимий тарихий ёдгорликларга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, мамлакат Ҳукумати қарори билан унинг ҳудуди халқаро сайёҳлик минтақаси сифатида эълон қилинган.

Ҳукумат қўллаб-қувватлашида бу йўналишда бир қатор ишлар бажарилганига қарамасдан, ҳалигача қониқарли натижалар бергани йўқ.

Ҳатто бу минтақада сайёҳликни ривожлантириш янги иш жойлари яратиш, аҳоли даромади, халқ ҳунарларини ривожлантириш, қадимий халқ анъаналари, жумладан, миллий таомларни сақлашнинг муҳим манбаларидан бирига айланиши мумкин.

Вилоят ва ноҳия раҳбарияти-ю, масъул шахслари ҳамда тадбиркорлар бу йўналишда саъй-ҳаракат қилишлари ва интилишлари керак. Ноҳиянинг гўзал ва бетакрор табиатидан ташқари, у қулай иқлим, кўпгина касалликларни даволаш хусусиятига эга бўлган Султонвайси, Калъанак, Булғурий, Оби шулук, Касҳо ва Ҳибил каби шифобахш булоқларга эга.

Ноҳия ҳудудидан 145 хил шифобахш гиёҳ, 47та асалга бой ва 118 хил эфирли ўсимликлари қайдга олинган бўлиб, уларни қайта ишлаш янги иш жойлари яратиш ва эҳтиёжмандларни табиий шифобахш воситалар билан таъминлаш ҳамда соғломлаштириш сайёҳлигини ривожлантириш омилига айланиши мумкин.

Шунингдек, ноҳияда сайёҳликнинг алпинизм, овчилик, маданий ва экологик сайёҳлик каби турли йўналишларини ташкил этиш учун кенг имкониятлар мавжуд.

1906 йили инглиз суратчиси Вилсон Ричмерс бу ерда бўлганида Қалъаи Мир мавзесини суратга олгани, яъни хорижий сайёҳларнинг мазкур мавзега таклиф этилиши ва сафарларини ташкил қилиш бу борадаги ишларнинг бошланиши эмас, давоми сифатида эслаш ўринлидир.

Олдинда турган икки йилда Давлат бошлиғининг топшириғи бўйича Балжувон ноҳияси-Сари Хосор қишлоқ жамоатининг Шаршара мавзеси йўналишида ватанпарвар тадбиркорлар томонидан 20та янги иншоот, жумладан, 20-50 ўринли 7та замонавий меҳмонхона, 4та тиббий муассаса, иккита спорт иншооти, турли соҳага тааллуқли 7та иншоот, кичик гидроэлектростанциялар ва бошқа ёрдамчи бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Бугун Шайдон қишлоғида барча зарур шароитлар ва замонавий тиббий ускуналарга эга бўлган туғруқхона биноси фойдаланишга топширилди. Бу эса, тоғли мавзе шароитида одамлар учун ўз вақтидаги ёрдам ҳисобланади.

Шу муносабат билан давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари яқинда таъсис этилган Сайёҳликни ривожлантириш комитети билан биргаликда замонавий шароитлар, яъни инфратузилма яратиш, минтақа сайёҳлик йўналишларини тайёрлаш, хизмат кўрсатиш юқори даражасини йўлга қўйиш, тарғибот ишларини кучайтириш ва ноҳиянинг томошабоп масканларига имкон қадар кўпроқ сайёҳларни жалб этиш учун зарур чора-тадбирларни қабул қилиши керак.

Бугун, Кангурт-Балжувон-Ховалинг автомобил йўли қурилиши учун тамал тоши қўйилганидан кейин, биз томонимиздан Балжувон-Сари Хосор автомобил йўли қурилишини тугатишга доир кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Шунингдек, тегишли тузилмалар ва органлар раҳбарлари жамоатлар ўртасидаги йўллар таъмири ва қайта тикланиши мақсадида зарур чора-тадбирлар қабул қилишга вазифадор этилдилар.

Бугун мамлакат Ҳукумати томонидан ноҳия аҳолисини электр энергияси билан таъминлаш бўйича мушкулликларни ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар қабул қилинаётганига қарамасдан, Балжувон, Сафар Амиршоев, Сари Хосор, Сайф Раҳим ва Тожикистон жамоатларининг 39та қишлоғида бугунги кунгача мазкур масала ўз ечимини топгани йўқ.

Шу нуқтаи назардан, «Барқи Тожик» компаниясига тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда кичик гидроэлектростанциялар қурилишини режалаштириш ҳамда 2018 йил охиригача номлари зикр этилган аҳоли яшаш нуқталарини электр энергияси билан мунтазам таъминлаш масаласини ҳал этиш топшириғи берилади.

Бугун 183 киловатт иқтидорга эга бўлган «Пуштибоғ» кичик гидроэлектростанцияси фаолиятини бошлаётган бўлиб, у Мулоконий ва Пуштибоғ қишлоқларини электр энергияси билан таъминлайди. Электр узатиш линиялари тортилиши билан яқин вақтларда Шингидара қишлоғи ҳам қамраб олинади.

**Азиз юртдошлар!**

Ташкил этилганидан бугунги кунгача молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан Балжувон ноҳиясида 2400 ўқувчи ўрнига эга 27та янги таълим бинолари фойдаланишга топширилган.

Шунингдек, ушбу даврда 84та қўшимча синфхона бунёд этилиб, 4та таълим муассасасида капитал таъмир амалга оширилган.

Ноҳия маориф бўлимининг яқинда очилган биноси қурилиши давлатнинг маориф соҳаси ходимлари учун қулай шароит яратиш йўлидаги қўллаб-қувватлашининг яна бир тасдиғи ҳисобланади.

Бундан ташқари, жорий йилда битта таълим муассасаси фойдаланишга топширилган ҳамда Сайф Раҳим номли қишлоқда ўрта умумтаълим муассасаси қурилиши давом этмоқда.

Атиги 1996-2016 йиллар мобайнида давлат қўллаб-қувватлаши ва тадбиркорлар саъй-ҳаракатлари натижасида 3600та ўқувчи ўрни ташкил қилинган.

2017-2021 йиллар Хатлон вилояти маориф соҳасини ривожлантириш дастурини амалга татбиқ этиш доирасида олдинда турган 5 йилда 35 миллион сомонийдан зиёд маблағ ҳисобидан 2та янги таълим муассасаси ва 2800 ўриндан зиёд 16та қўшимча бинолар қурилиши режалаштирилган.

Ноҳия марказида 240 ўринли касбий-техник лицей биноси, 450 киши учун ётоқхона, Дараи Бахтур қишлоғида 20-ўрта умумтаълим муассасаси, Дебдор қишлоғида 35-ўрта умумтаълим муассасаси, 2 ва 9-ўрта умумтаълим муассасаларида қўшимча синфхоналар қурилиши шулар жумласига киради.

Таълим ва тиббий муассасалар қурилиши-ю қайта тикланишидан мақсад - узоқ қишлоқлар ўқувчилари учун ўқиш шароити ва аҳолисига кўрсатиладиган тиббий хизмат даражасини шаҳар шароитига тенглаштиришдан иборат. Биз келажакда ҳам бу йўналишда иш олиб боришимизни қайд қиламан.

Давлат мустақиллиги даврида Балжувон ноҳияси соғлиқни сақлаш соҳаси бюджети 50 минг сомонийдан 3 миллион 300 минг сомонийгача етказилган бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 79 бараварга ошган.

Ушбу даврда 3та соғломлаштириш маркази ва 9та замонавий тиббий нуқта бунёд этилиб, 5та соғломлаштириш муассасасида таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, олдинда турган икки йилда республика бюджети ҳисобидан Тожикистон қишлоқ жамоатининг Файзобод қишлоғида тиббий нуқта қурилиши ва 18 миллион сомоний маблағга Шайдон қишлоғида халқаро соғломлаштириш маркази бунёд этилиши назарда тутилган.

Шундай экан, соҳанинг масъул шахслари бюджет маблағлари ва тиббий ускуналардан мақсадли фойдаланиш, тиббий муассасалар моддий-техник базасини яхшилаш, ноҳиянинг узоқ қишлоқларида тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш учун зарур чора-тадбирлар қабул қилишга жиддий аҳамият беришлари керак.

Бу жараёнда ноҳия ёшлари ҳисобидан тиббий кадрлар тарбияси масаласига биринчи даражали эътибор бериш зарур.

Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги давлат ҳокимияти вилоят ва ноҳия ижроия органлари билан биргаликда узоқ қишлоқларда янги тиббий нуқталар ташкил этиш ва уларни зарур ускуналар билан таъминлаш масаласини ўрганиш, улар муаммоларини ҳал этишга доир зарур чора-тадбирларни қабул қилишга вазифадордир.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бугунги босқичида бунёдкорлик ишларини кенгайтириш, мустақиллик ютуқларини ҳимоялаш ва миллий бирликни мустаҳкамлаш барча соҳалар масъул шахсларининг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.

Барчангизга маълумки, бир неча кун аввал мамлакатимизнинг анъаналар, тантаналар ва миллий урф-одатларни тартибга солиш тўғрисидаги биринчи миллий қонуни ижроси ҳолати, унинг ҳар бир оила мисолидаги аҳамияти борасидаги фикрларимни батафсил билдирдим.

Ҳозир дунёдаги бугунги вазият, аҳоли сони, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиб бориши ва уларнинг нархи кўтарилаётганини ҳисобга олган ҳолда, қонун талабларига риоя этиш, тежамкорлик ҳар биримизнинг кундалик одатимизга айланиши зарурлигини яна бир марта эслатаман.

Шунингдек, болалар таълим ва тарбияси, яъни эртанги тинч ҳаёт, жамият ва давлат учун масъулият ҳисси, ёшларнинг террорчилик ва экстремистик ташкилоту ҳаракатларга жалб этилишдан ҳимоя қилиш масаласи барча раҳбарлар, фаоллар, ота-оналар, зиёлилар ва катта ёшлилар томонидан доимий ҳамда жиддий аҳамият бериладиган масалалар сирасига кириши керак.

Маълумки, миллатимизнинг муқаддас ва буюк байрами – давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллиги яқинлашяпти. Уни муносиб кутиб олиш учун мамлакат шаҳар ва ноҳияларини ободонлаштириш бўйича ишларни янада кенгайтиришимиз, ҳар кундан самарали фойдаланишимиз керак.

Балжувон ноҳиясининг орномусли халқи давлат мустақиллиги ва озодлигига шукрона тарзида аждодларнинг эзгу анъаналарини давом эттирган ҳолда, келажакда ҳам севимли Тожикистонимизнинг тараққиёти-ю ободончилигига ҳамжиҳатликда, кучларини дариғ тутмаган ҳолда ҳисса қўшишлари ҳамда янада кўпроқ ижтимоий-иқтисодий ютуқларга эришишларига ишончим комил.

**Эзгу мақсад ва режаларни амалга татбиқ этиш учун Балжувон ноҳиясининг барча меҳнатсевар ва ватанпарвар фуқароларига оилавий бахту саодат ва фаолиятларида муваффақиятлар тилайман.**

**Ҳамиша соғ ва қаддингиз тик бўлсин, азиз юртдошлар!**

*«Ховар» ТМАА.*

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

## *Саъдий КАРИМЗОДА:* - Лойиҳа доирасида 22 мингдан зиёд оиланинг турмуш шароити яхшиланди

1

воситасида озиқ-овқат хавфсизлиги ва 22 минг 400 камтаъминланган оила даромадини юксалтиришдан иборат,- деди «Чорвачилик ва яйловларни ривожлантириш» лойиҳасини бошқариш маркази давлат муассасаси директори Саъдий Каримзода жорий йил биринчи ярми фаолияти якунига бағишланган матбуот анжуманида.

Унинг таъкидлашича, қишлоқ аҳолисини иш жойи билан таъминлаш давлат ва мамлакат Ҳукумати алоҳида эътибор қаратаётган муҳим йўналишлардан бири саналади. Бу борада мазкур лойиҳани татбиқ этишнинг афзал жиҳати қишлоқ аёлларини қўллаб-қувватлаш ва уларни иш жойлари билан таъминлашга боғлиқдир. Бу йўналишда 780 нафар аёллар чорвачилик, асаларичилик, сут ва жунни қайта ишлаш соҳаларида қўллаб-қувватланиб, меҳнат билан қамраб олинди.

250 оила, умуман, 5000та товуқ ва уч ойга етадиган дондун билан таъминланди. Камтаъминланган оилалардан 450 нафар аёл 2250 бош қўй-эчки ҳамда чорва учун қишки озуқа билан таъминланди.

Жунни қайта ишлашга доир 15та ва сутни қайта ишлаш бўйича 10та аёллар гуруҳи таъсис этилди. Лойиҳа доирасида камтаъминланган оилалардан 13 нафар аёл 130та асалари оиласи, асаларини парваришлаш ва асални қайта ишлаш учун ускуналар билан таъминланди.

Умуман, юқорида зикр этилган ноҳияларда давлат сармоявий лойиҳаларини татбиқ этиш доирасида 1000дан зиёд доимий иш жойлари таъсис этилди.

Хўжаликларни техника билан таъминлаш ва камчиликларни бартараф этиш йўлида марказ томонидан «Чорвачилик ва яйловларни ривожлантириш» лойиҳаси биринчи босқичи татбиқи доирасида 133та трактор, 11та фронтал юк кўтариш крани, 2та экскаватор ва 840дан зиёд машина ускуналари, жумладан, прицеп, янчиш машинаси, мотоблок, чорва озуқасини йиғиштириш учун ускуна, турли ўт ўриш машиналари, омоч ва сихмолалар олиб, фойдаланишга топширилди.

Аҳоли чорваси зотини яхшилаш ва давлатнинг чорвачиликни ривожлантириш дастури ижросига ёрдам бериш учун зикр этилган ноҳияларда 510та ҳисорий зотли қўчқор ва 48 бош йирик шохли чорва харид қилиниб, улардан сўнгги икки йил мобайнида яхши зотли чорва олинди. Таҳлилларнинг кўрсатишича, зотли чорвалардан олинган насл вазн ва соғломлиги бўйича маҳаллий наслларга нисбатан афзалликка эга. Масалан, маҳаллий бузоқлар янги туғилганида 18-20 килограмм вазнга эга бўлса, зотли чорвадан олинган наслда бу кўрсаткич 25-32 килограммни ташкил қилади. Шунингдек, зоти яхшиланган чорванинг вазн олиши ҳам 20дан 30 фоизгача зиёддир. Агар маҳаллий чорвадан йилига 1600-1700 литр сут соғиб олинса, зотли чорвадан бир йилда 3000 литр сут олинади.

Ветеринария хизматини йўлга қўйиш мақсадида 24та ветеринария клиникаси қурилди ва зарур материаллар билан таъминланди.

Яйловларни қайта тиклаш учун 594 тонна минерал ўғит ва 109 тоннадан зиёд чорва озуқаси уруғи харид қилинди. Шу йўл орқали ноҳиялар яйловлари ҳолати яхшиланди.

Лойиҳа татбиқи бошланганидан буён марказ яйлов ва қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш йўлида қуйидаги ишларни амалга оширди:

- яйловларга олиб борадиган 22та йўл таъмири;
- чорва ўтадиган 14та кўприк қурилиши;
- чорва турадиган 7та махсус жой (качар) ташкил қилиш;
- яйловларда чорвалар сув ичадиган 82та нуқта ташкил қилиниши.

«Чорвачилик ва яйловларни ривожлантириш» лойиҳаси иккинчи босқичи 2016-2021 йилларни ўз ичига олади.

-Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг қўллаб-қувватловида лойиҳавий маблағи 24 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи «Чорвачилик ва яйловларни ривожлантириш» лойиҳаси татбиқининг иккинчи босқичи Хатлон вилоятининг бошқа бешта ноҳияси: Данғара, Восе, Ҳамадоний, Фархор ва Кўлоб шаҳри қишлоғида жорий йилда бошлангани қаноатмандлик бoисидир. Умуман, лойиҳанинг биринчи босқичи татбиқида 23 мингдан зиёд оиланинг турмуш шароити яхшиланди. Татбиқи жорий йилда бошланган иккинчи босқичда чорвачилик соҳаси маҳсулдорлиги ва даромадини ошириш, яйловларни бошқариш воситасида озиқ-овқат ҳолатини яхшилаш ва 38 мингдан зиёд камтаъминланган оиланинг даромадини юксалтириш назарда тутилмоқда,- деди «Чорвачилик ва яйловларни ривожлантириш» лойиҳасини бошқариш маркази давлат муассасаси директори Саъдий Каримзода.

***Г. АЮПОВА,***
***«Халқ овози».***

# МАҚСАД: СОҒЛОМ ЭКОЛОГИК МУҲИТ ЯРАТИШ

-Соғлом экологик муҳит яратиш бугунги кунда, нафақат, Тожикистон, балки дунё давлатлари олдида турган энг долзарб глобал муаммолардан бири саналади,- дея қайд этди Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комитети раиси журналистлар билан ўтказилган матбуот анжуманида.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комитети 2017 йилнинг биринчи ярмида ўз фаолиятини Тожикистон Республикасининг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида йўлга қўйиб, кенг кўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширди.

Жумладан, республика ҳудудида 2 миллион 454 минг 745 туп, шундан бир миллион 331 минг 524 туп сояли, 380 минг 548 туп манзарали, 709 минг 893 туп мевали дарахтлар, 3 миллион 363 минг 954 туп турли гуллар кўчатлари ўтқазилди.

Шунингдек, 578 гектар янги боғлар бунёд этиш, 353 гектар майдондаги эски боғларни тиклаш ишларида фаоллик кўрсатди.

Комитет жамоаси Тожикистон Ҳукумати томонидан олиб борилаётган экологик сиёсатни амалга татбиқ этиш борасида «2009-2019 йилларга белгиланган Тожикистон Республикасининг экологик давлат дастури» ҳамда «2010-2030 йилларга мўлжалланган музликларни ўрганиш ва сақлаш бўйича давлат дастури» ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Давлат ҳокимияти Панжакент шаҳар ижроия органи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими билан ҳамкорликда Зарафшон дарёсининг бир километрдан ортиқ масофасида соҳил мустаҳкамлаш ишлари рўёбга чиқарилди. Бу дарё қирғоғидаги 52 гектар майдон қишлоқ хўжалиги оборотига қайтарилди.

Стандартлаштириш ва экологик меъёрларни ишлаб чиқаришда ҳам комитет ибратли ишларга қўл урмоқда. Комитет ходимлари ва сувшунос олимлари иштирокида «Тожикистонда ер усти сувларини муҳофаза қилиш қоидалари» ҳамда «Тожикистонда ер ости сувларини муҳофаза қилиш қоидалари» қўлланмалари ишлаб чиқилиб, комитет раиси тавсияси билан Адлия вазирлигида қайдга олинди.

Комитет фаолият режасига биноан Миллий бирликнинг XX йиллиги ва «Сув устувор тараққиёт учун» 2018-2028 йиллар халқаро амалиёт ўн йиллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида, шаҳар ва ноҳиялар ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Сув – бу яшил сайёра» мавзусида республика танлови ўтказилди.

Ғолиблар Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунининг 45 йиллигига бағишланган тантаналарда қимматбаҳо совғалар ҳамда дипломлар билан тақдирландилар.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш комитети жамоаси 148 нафар ходимдан иборат бўлиб, шуларнинг 38,9 фоизини ёшлар ташкил этади. Айни пайтда 21 нафар студент комитет ҳисобидан соҳавий олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Ёшларни соҳавий ишларга жалб этиш келгусида ҳам давом эттирилади…

***Абдуҳафиз МИРЗААҲМЕДОВ, «Халқ овози».***

## Душанбеда бунёдкорлик ишлари

1

мустақиллиги байрамини юқори даражада нишонлаш мақсадида пойтахт иншоотларини таъмирлаш ва уларни янги замон талабларига жавоб берадиган қилиб реконструкция қилиш борасида Рўдакий хиёбони, Айний ва Аҳмади Дониш кўчаларидаги маъмурий ва турар жой биноларини бўяш ишлари давом этаётганлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, пойтахт инфратузилмасини шаҳар меъёрларига мувофиқлаштириш, шаҳар ичидаги, хиёбонлару маҳаллалардаги йўллар таъмири ва реконструкцияси ишларини тезлаштириш, кўприклар ва ер ости йўллари қуриш борасида саховатли тадбиркорларни жалб этган ҳолда, жами 26 километр 800 метр масофадаги йўллар 207 минг 918 метр квадрат майдонда таъмирлангани ва асфалт ётқизилгани таъкидланди.

Душанбе шаҳри раиси биринчи ўринбосари Маҳмадсаид Зувайдзоданинг сўзларига кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида тадбиркорлар томонидан 38 минг 242 метр квадрат майдондаги турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган.

-Транспорт соҳасида хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ва шаҳар аҳолиси ҳамда меҳмонлари талабларини қондириш мақсадида жорий йилнинг апрел ойида Туркия Республикасидан 40та замонавий турдаги автобуслар келтирилди, -деди М.Зувайдзода. – Шунингдек, Душанбе шаҳар раисининг тегишли қарори ва Туркия Республикаси автомобил корхоналари билан бўлган икки томонлама шартнома асосида қўшимча 24та автобуслар харид қилиниб, улардан бештаси жорий йилнинг 10 июл кунигача шаҳарга етказиб келинди ва қолганлари яқин кунларда келтирилади.

Тантана, анъана ва миллий урф-одатларни тартибга солиш борасида Душанбе шаҳрида 1 минг 86та жамият комиссиялари фаолият юритаётганликлари ҳамда шаҳарнинг бешта мувофиқлаштирувчи комиссиялари билан биргаликда Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида тантаналар, анъаналар ва миллий урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонунининг асосий мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш билан машғул эканликлари таъкидланди.

Умуман, мазкур комиссиялар томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ўтказилган муштарак рейдлар вақтида 81та қонунбузарлик ҳолатлари ошкор этилиб, 43 нафарга нисбатан Тожикистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарликлар кодексининг талабларига мувофиқ, 212 минг 700 сомоний миқдоридаги маъмурий жазолар қўлланилган.

Матбуот конференцияси сўнгида шаҳарда олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари, аҳолини қийнаётган баъзи муаммо ва камчиликлар, келгусидаги режалар борасида кенг доирадаги савол-жавоб бўлиб ўтди.

*Зуҳриддан УМАРОВ, «Халқ овози».*



**Матбуот конференциялари**

*Ж. НУРАЛИЕВ:*

## - Металл тангалар муомалага чиқарилади

1

нинг ошиши ҳисобидан вужудга келган.

Ж.Нуралиев оммавий ахборот воситалари вакиллари саволларига жавоб бериш жараёнида, сомонийнинг АҚШ долларига нисбатан расмий қурби 2017 йилнинг бошидан 30 июнига қадар 11,9 фоизга пасайганини айтиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 10,8 фоизни ташкил этган. Шунингдек, Миллий банк раиси биринчи ўринбосарининг билдиришича, АҚШ долларини бозор курсида сотиш қурби 11,7 фоиз юқорилаган. Бу эса, 2016 йилнинг биринчи олти ойи мобайнида 5,5 фоизни ташкил этган эди. АҚШ долларининг расмий ва бозор нархида сотиш қурби ўртасидаги фарққа тўхталган Ж.Нуралиев, айни пайтда бу фарқ 0,6 фоизни ташкил этишини билдирди.



Матбуот конференциясида, шунингдек, пул ва кредит статистикаси маълумотларига мувофиқ, ҳисобот даври якунларида захира пуллари ҳажми 12,3 миллиард сомоний ва муомаладаги нақд пул ҳажми 9,9 миллиард сомонийни ташкил этганлиги таъкидланди.

Муомалада бўлган қоғоз пулларнинг эскиргани ва фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолганлиги борасида берилган саволга Миллий банк раиси биринчи ўринбосари Жамолиддин Нуралиев 1, 3 ва 5 сомоний қийматдаги қоғоз пулларнинг эскиргани боис, яқин келажакда Тожикистон Миллий банки улар ўрнига металл тангаларни муомалага чиқариш ниятида эканлигини маълум қилди.

2017 йил биринчи ярмида банкоматлар ва электрон терминаллар сони 737 ва 2985тани ташкил этгани, буни ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққослаганда, электрон терминаллар сони 690тага кўпайгани айтилди.

Шунингдек, матбуот конференцияси давомида журналистлар мамлакат банк тизими соҳасидаги мавжуд камчилик ва муаммолар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

*Ўз мухбир.*

# Хатлон вилоятидан хабарлар

## Темурмалик ноҳиясида ободончилик ишлари

Тожикистон Республикаси давлат истиқлолиятининг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида мамлакат шаҳру ноҳияларида ободончилик ва бунёдкорлик ишлари кенг йўлга қўйилган. Бу йўналишда Темурмалик ноҳиясида умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда.

- Мустақиллик йилларида ноҳиямиз мамлакатимизнинг бошқа шаҳру ноҳиялари қаторида тараққий этди, - деди темурмаликлик Шуҳрат Файзов. – Бу йилларда ўнлаб маъмурий, маданий ва хизмат кўрсатиш бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Юртимизда ҳукмрон осойишталикка шукрона қилган ноҳия аҳолиси истироҳат кунлари умумхалқ ҳашарларига чиқиб, миллий ва давлат байрамларини муносиб кутиб олиш учун ўзлари яшайдиган маҳаллалар ободончилигига ҳисса қўшишмоқда.

Яқинда давлат гимназияси ҳовлисида ўтказилган ҳашарда ноҳия корхона ва ташкилотларидан 70 нафардан ортиқ киши қатнашди.

Шундай ободончилик ишлари ноҳиянинг бошқа маҳаллалари, қишлоқ жамоатларида ҳам йўлга қўйилмоқда.

## «Бўстон-2017» танловига тайёргарлик қизғин

Хатлон вилояти Маданият бошқармасининг Кўлоб минтақаси бўлимида ўтказилган матбуот конференциясида жорий йилнинг олти ойида минтақа маданият соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида сўз юритилди.

Йиғилишда 2017 йилда минтақа маданий ҳаётида ижобий ўзгаришлар юзага келганлиги таъкидлаб ўтилди.

Айни пайтда минтақа ноҳиялари маданият бўлимлари Тожикистон Республикаси Ҳукумати қўллаб-қувватлаши ва «Сафина телевидениеси» давлат муассасаси ташаббуси билан Ёшлар йилига бағишлаб ташкил қилинган «Бўстон-2017» танловига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Мазкур танловдан асосий мақсад ёш истеъдодларни кашф қилишдан иборатдир. Танлов эълон қилинганлиги кўплаб ёшлар, ўсмирларнинг шаҳар ва ноҳиялар маданият бўлимларига ташриф буюришига сабаб бўлмоқда.

## Вилоятдаги энг йирик спорт майдони қурилиши

Восе ноҳиясида, «Восе-Ховалинг» автомобил йўлининг чап томонида вилоятдаги энг йирик спорт майдони қурилиши давом этмоқда. Жорий йил бошида қурилиши бошланган мазкур 20 мингта ўриндиққа эга спорт майдони вилоятдаги энг йирик иншоотга айланади. Қурувчилар айни пайтда спорт майдони асосини бунёд этишиб, унинг деворларини тиклашни бошлашган.

Давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органидан хабар беришларича, бу иншоот нафақат Кўлоб минтақасида, балки вилоят миқёсидаги энг йирик спорт майдони бўлади.

Эслатиб ўтиш ўринлики, мазкур иншоот бунёди Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг бевосита ташаббуси билан амалга ошмоқда. Давлат бошлиғи 2012 йил ўзининг Восе ноҳиясига навбатдаги сафари вақтида «Султони Кабир» савдо марказини фойдаланишга топширгандан сўнг, аҳоли билан учрашув пайтида «Восе-Ховалинг» автомобил йўли қайта қурилиши билан бирга, бу ерда йирик спорт майдони бунёд этилишини қайд этиб ўтганди.

## Қўрғонтепа шаҳри санитария ҳолати

Қўрғонтепа шаҳри Санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан жорий йил олти ойи давомида 984 марта текширувлар ўтказилиб, санитария қоидаларини бузувчиларга нисбатан 128 маъмурий ҳуқуқбузарлик актлари тартиб берилган. Шунингдек, санитария қоидаларини бузувчиларнинг 99 нафарига нисбатан 1800 сомоний миқдорида жарима солинган.

Давлат ҳокимияти Қўрғонтепа шаҳар ижроия органидан хабар берилишича, илгари санитария талабларига жавоб беролмаганлиги учун фаолияти тўхтатилган 48 иншоотга камчиликларни бартараф этгандан сўнг, фаолият учун ижозат берилди.

Қўрғонтепа шаҳрида юқумли касалликлар билан хасталаниш ҳолати мўътадил бўлиб, шаҳарда уларнинг тарқалиши кузатилмаган.

*Ўз мухбир.*

*Рамазон РАҲИМЗОДА:*

## - Ўт ўчирувчиларга халақит берганлар жавобгарликка тортилади

1

кўз юмган ва 623 нафар турли тан жароҳатлари олган.

Вазирнинг берган маълумотларига биноан, 2017 йилнинг олти ойи бадалида 597та ёнғин ҳодисалари юз берган. Натижада эса, 14 киши ҳалокатга учраган. Улардан 5 нафарини вояга етмаганлар ташкил қилса, яна 20 киши турли тан жароҳатлари билан жабрланган. Ёнғинлардан кўрилган зарарнинг умумий маблағи 4 миллион сомонийни ташкил этган бўлса, фуқароларнинг 140 миллион сомонийдан ортиқ мол-мулклари ёнғиндан асраб қолинган.

Шу ўринда, Фархор ноҳияси марказий бозоридаги ёнғин ва унинг оқибатлари ҳақида гапирган вазир, асосан, ёнғин кучли шамол бўлган пайтда симларнинг бир-бирига тегишидан чиққанлигини айтиб ўтди. Бозор ёниши ортидан, Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғинга қарши давлат хизмати бош бошқармасининг Хатлон вилояти бошқармаси, Кўлоб минтақаси бўлими ва Фархор ноҳияси бўлими бошлиқлари иш вазифаларидан озод этилганликлари ҳам қайд этиб ўтилди.

Душанбе шаҳридаги «Корвон» бозоридаги ёнғиннинг тезда ўчирилмаганлигига фуқароларнинг Ёнғинга қарши давлат хизмати ходимлари фаолиятига халақит берганлиги сабаб сифатида кўрсатилди.

- Биз бундан кейин тегишли қонунга ёнғин ўчирувчилар фаолиятига халақит берадиган кишиларни жавобгарликка тортишни назарда тутадиган ўзгартириш киритмоқчимиз. Чунки «Корвон» бозорида чиққан ёнғинни ўчиришга уринаётган ўт ўчирувчилар фаолиятига у ерга тўпланган кишилар халақит беришди. Улар ёнғинни ўчиришга ёрдам бериш ўрнига, бу нохуш ҳодисани сурат ва видеога олиш билан овора эдилар, - деди вазир.

Матбуот конференцияси давомида журналистлар томонидан республикадаги жиноятчилик ҳолатлари, оғир ва кибер-жиноятлар, милиция ислоҳоти, икки мамлакат фуқаролигига эга шахслар, жиноят ва ҳуқуқбузарликка қўл урган вояга етмаганларга нисбатан кўрилган чоралар, йўқолганлар сони, қаллоблик, йўл четидаги савдолар, автомашиналарнинг ўғирланиши, йўл транспорт ҳодисалари ва бошқа масалалар юзасидан тегишли жавоб олдилар.

Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазири, милиция генерал -лейтенанти Рамазон Раҳимзода матбуот конференцияси сўнгида оммавий ахборот воситалари намояндаларига жамият тартиби, фуқаролар хавфсизлигини сақлаш ва қонунга хилоф амаллар содир этилишининг олдини олишда ички ишлар органи билан ўрнатган ҳамкорликлари учун миннатдорчилик билдирди.

*Зуҳриддин УМАРОВ, «Халқ овози».*

## ЮЗ БЕРАЁТГАН ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИНИНГ «ЭКОҚУРОЛ»ГА АЛОҚАСИ БОРМИ?

1

айтиш мумкин.

Илмий ишларни йўлга қўйиш жараёни ҳам академиянинг асосий вазифаларидан бири саналади, албатта. 2017 йил аввалги ярим йиллигида Тожикистон Фанлар академияси илмий муассасалари олимлари томонидан 794та илмий иш, жумладан, 44та китобу монография, 750та илмий мақола, улардан 690таси республика фанга доир журналларида, 60таси МДҲ мамлакатлари ва чет элларда нашр этилган.

Чунончи, бу давр ичида Тожикистон Республикаси 9та ихтиро патенти, патент олиш учун 6та мусбий қарорни қўлга киритди.

Фанлар академиясида ярим йиллик ичида 25та илмий тадбир, битта форум, 20та республика конференцияси, 2 семинар ва 2та давра столи ўтказилган.

Ўтказилган тадбирлар ичида, албатта, Оналар айёми, Халқаро Наврўз байрами, Ёшлар йили, Миллий бирлик 20 йиллиги ҳамда Тожикистон Республикасининг «Тожикистон Республикасида анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланганлари алоҳида ўрин тутади.

Академик Фарҳод Раҳимийнинг журналистлар билан савол-жавоби ҳам анчайин қизиқарли ўтди. У киши саволларга жавоб бераркан, ҳар бир жавобини илмий асослаб айтарди.

- Кейинги пайтларда Россия Федерациясининг турли минтақаларида юз бераётган довул, тинимсиз ёмғирлар, Санкт-Петербургда жала ёғиши ҳодисаларининг экологик қуролга алоқаси борми?

Ҳамкасбларимиздан бирининг бу саволига Ф. Раҳимий:

-Дарҳақиқат, ўтмишда собиқ СССР ва АҚШ томонидан экологияга таъсир этувчи яширин қурол яратиш борасида уринишлар бўлганлигидан хабарим бор. Бироқ бу кейинги йилларда тўхтатилган. Россия Федерациясида «ёз бўлмаётганлиги-ю, турли табиат ҳодисаларининг юз бераётганлиги»га бунинг алоқаси йўқ. Иқлим ўзгариши нафақат Россияда, балки бутун Ер юзида рўй бераётган глобал ҳодиса.

«Халқ овози» газетаси мухбирининг геология соҳаси ривожу равнақи ва мамлакат ёшларининг бу касбга муносабати борасида берган саволига Ф. Раҳимий:

- Мамлакатимизда геологик қидирув ишлари яхши йўлга қўйилган. Дейиш мумкинки, мазкур соҳа ҳам йилдан-йилга тараққиёт сари юз бурмоқда. Ёшларнинг бу соҳага қизиқиши ҳам ортиб бормоқда. Уларнинг соҳани мукаммал ўрганишлари учун бир қатор олийгоҳларда геология фанини ўқитиш йўлга қўйилган.

Ва, албатта, саволлардан бири Фанлар академиясининг янги аъзолари ҳақида бўлди. Қувончлиси шундаки, Фанлар академиясининг янги аъзолари ичида Абдуфаттоҳ Шарифзода, Саймумин Ятимов ва Низомиддин Зоҳидийларнинг номлари бор. Зеро, бу кишиларнинг кейинги йилларда амалга оширган илмий ишлари бунга сазовордир!

Эслатиб ўтиш жоизки, Тожикистон Фанлар академияси президенти, академик Фарҳод Раҳимий журналистларда ўзининг хоксорлиги, билимдонлиги ва очиққўнгиллиги билан хуш таассурот қолдирган раҳбарлар сирасига киради.

*Абдулло САИДОВ, «Халқ овози».*

*М. ҚАЛАНДАРЗОДА:*

## - ИҚТИСОДИЙ ЗАРАРЛАР УНДИРИЛДИ

1

ган. Умуман олганда, жорий йилнинг олти ойида судларнинг дастлабки, кассацион ва назорат босқичларида жами 1430та иқтисодий ишлар кўриб чиқилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 167тага кўпдир.

Шунингдек, бу давр ичида 772 миллион 741 минг 869,64 сомоний ва 2 миллион 469 минг 476,62 АҚШ доллари миқдоридаги зарарни давлат фойдасига ундириш учун аризалар келиб тушган. Қабул қилинган даъво аризалари жами 371 миллион 396 минг 206,64 сомоний ва 2 миллион 444 минг 330,71 АҚШ доллари миқдорида қондирилиб, бу маблағларни ундириш ижро учун юборилган.

Тожикистон Республикаси Олий иқтисодий суди раиси Мавлуда Қаландарзоданинг маълум қилишича, жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий судлар томонидан бир қатор суд ҳужжатлари ижроси таъминланиб, республика бюджетига 7 миллион 25 минг 896,18 сомоний миқдоридаги маблағ давлат божи ва давлатга етказилган иқтисодий зарар сифатида киритилган.

- Бундан ташқари, ҳисобот даврида иқтисодий судларнинг суд ҳужжатлари билан давлат фойдасига жами 12 миллион 944 минг 488,11 сомоний миқдоридаги давлат божи ундирилди. Улар эса, ижро учун юборилган бўлиб, маблағларни ундириш ижросини таъминлаш назорат остига олинган, - деди М.Қаландарзода.

Тожикистон Республикаси Олий иқтисодий суди раиси Мавлуда Қаландарзода иқтисодий суд ишларининг кўпайганлигига нима сабаб бўлганлиги борасида берилган саволга қуйидагича жавоб қайтарди:

- Кўп ҳолатларда қонунбузарлик ҳодисалари фуқаролар томонидан берилган маълумотлар ва уларнинг шикоятлари асосида ошкор этилади. Шу боисдан иқтисодий йўналишдаги қонунбузарлик ҳолатларининг ошкор этилишидаги асосий омиллардан бири ҳам фуқароларнинг бу борадаги масъулият ва мажбуриятларини ҳис этишларининг юқорилигидан дарак беради.

Матбуот конференцияси жараёнида журналистлар шу ва ўзларини қизиқтирган бошқа саволларга қониқарли жавоб олдилар.

*Зуҳриддин УМАРОВ, «Халқ овози».*

*Гулнора ҲАСАНЗОДА:*

## -Маошининг 75 фоизи озиқ-овқат учун сарфланадиган одам камбағал ҳисобланади

1

агентлигининг тадқиқотига биноан, Тожикистонда жорий йилда камбағаллик сатҳи 30 фоизни ташкил қилган.

«2017 йил учун камбағаллик сатҳи шундай даражада белгиланган: агар одам ўз ойлик маошининг 75 фоизини озиқ-овқат учун сарфласа, унда у камбағал ҳисобланади», - деди Статистика агентлиги директори.

Маълум бўлишича, жорий йилнинг олти ойи мобайнида республика хўжаликлари барча тоифаларида 624 минг 315 тонна ғалла, 142 минг 62 тонна картошка, 567 минг 33 тонна сабзавот, 171 минг 155 тонна полиз маҳсулотлари, 77 минг 342 тонна мева ва 1564 тонна узум етиштирилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ғалла 6,4 фоиз, сабзавотлар 17,9 фоиз, полиз экинлари қарийб 11, мевалар 11 фоизга кўп. Картошка етиштириш ҳажми эса, ўтган йилга нисбатан қарийб 22 фоизга камайган.

-Картошка ҳосилининг кам бўлишига об-ҳавонинг ноқулай келгани, экин майдонларининг камайгани сабаб бўлган,- деди Статистика агентлиги директори.

Гулнора Ҳасанзода журналистларнинг саволларига жавобан ҳисобот даврида статистика органлари томонидан учта бир марталик статистик тадқиқот, жумладан, «Тожикистон Республикасида иш кучи», «Тожикистон Республикасида сувдан фойдаланувчилар» ва «Тожикистон Республикасида савдо обороти» тадқиқоти ўтказилгани ҳақида хабар берди.

2017 йилнинг январ-июн ойларида ФҲДЁ органлари томонидан қонунда белгиланган муддатда таваллуд қилганлар сони 106,5 минг киши ва ўлим ҳолати 17,2 мингни ташкил қилган. Шундан бир минг нафари 1 ёшгача бўлган болалардир. Туғилиш ва ўлим ҳолатлари умумий коэффициенти дастлабки баҳолашга кўра, ҳар 1000 аҳолига 24,4 ва 3,9ни ташкил қилди.

*Г. АЮПОВА, «Халқ овози».*

**НУҚТАИ НАЗАР**

# ТИЛИДА ТАСБЕҲУ ҚАЛБИДА...

ТИТП террорчи ташкилоти раҳбарлари ҳар доим халқ ишончи ва эътиқоди борасида сўз юритиб, заҳматкаш оммани минглаб ҳийла-ю найранг орқали ўз домига туширишади. Бу нуқтани буюк тожик мутафаккири Жалолиддин Балхий жуда яхши қаламга олган: «Тилида тасбеҳу қалбида эса, молу эшак...»

ТИТП террорчи ташкилоти Тожикистонда расмий ва қонуний партия сифатида фаолият юритган йилларда Кабирий семинару конференцияларда ҳар доим демократия, давлатнинг халқ томонидан бошқарилиши ва виждон эркинлиги ҳақида сўз юритарди. Аммо унинг маслаҳати ва бошчилигида ижро этилаётган парда ортидаги амаллар ҳақиқий террорчининг рафтору амалларидан ҳеч қандай фарқи йўқ эди. Бугун у Ватандан хорижга кетиб, ёлғон чиқишлари билан хорижлик хожаларидан маблағ ундирмоқда.

Бу экстремистик, урушни кўзлаган ва иғво солувчи гуруҳнинг террорчи ташкилот, дея эълон қилинганидан кейин, унинг бир қатор манфаатдорлари мамлакатни тарк этиб, яна шундай амалларини давом эттиришмоқда. Улар миллатнинг бошига келтирган барча бадбахтликларни ҳукуматнинг зиммасига юклаб, ўзларини бегуноҳ мусичадек кўрсатишади. Хожаларининг маслаҳатлари билан Тожикистон давлату ҳукумати номини қора қилмоқчи бўлиб, шу восита орқали маблағга эга бўлиш ва обрў олишга интилишади.

Наҳзат террорчилари раҳбари барча конференциялар ва қаерда ўзига сўз берилган бўлса, ёлғончилик, шикоят ва ўзини бечора кўрсатишни бошлаб, сўзининг охирида маблағ ва бошпана талаб қилади.

Кабирийнинг ҳозирги амаллари ўзидан аввалги етакчилари рафтору айтган гапларининг мантиқий давоми бўлиб, ўзини бечора кўрсатиш, оворагарчиликда юриш, давлат номини қоралаш ва ёлғон тўқиш уларнинг азалий вазифасидир. У ўзининг бу ёлғон ва сохта, тўқилган сўзлари билан экстремизмнинг олдини олмайди, балки унинг оловига ёғ сепади. Малайзиянинг Келантан султонлигида бўлиб ўтган «Уммат ваҳдати» халқаро конференциясида Кабирий яна бечоралигидан нолигани, унинг ваҳдатга мойил бўлгани маъносини билдирмайди.

Тожикистон Республикасида ҳам давр руҳонийлари, биродаркушлик уруши саркардалари ва ТИТП раҳбарлари урушни халқ орасига айирмачилик ва низо солиш билан бошлашди. Бугун ҳам шундай пасту разилона кирдорларни Кабирий ва унга ўхшаган бегонапарастлар давом эттиришмоқда. Кабирий ҳам Малайзиядаги конференцияда ўз чиқишида яна тожик халқи орасига тафриқа солиш ва мамлакат Ҳукумати номини қоралашни бошлаб, конференцияда иштирок этиш шаҳодатномасини талаб қилган. Конференцияда иштирок учун шаҳодатнома олиш кенг тарқалган бир амал бўлиб, барча конференцияларда ҳар бир иштирокчига топширишади. Зеро, конференцияда иштирок этувчилар тайёргарлик ва маърузалари билан қатнашишади. Шунинг учун уларнинг маърузалари ва чиқишлари қадрланади. Конференция ўтказиш санаси анча аввал аниқланиб, конференция умумий мавзуси доирасида маъруза қабул қилиш учун эълон нашр этилади. Мутахассислар конференцияда иштирок этиш учун ўзларининг маърузаларини тавсия қилишиб, қабул қилинганидан кейин, иштирок этиш учун таклифнома олишади.

Конференциянинг оддий бир таклифномасидан наҳзат террорчилари осмоний бир мўъжиза ясашадики, гўё Кабирийни бутун дунё яратувчиси мулоқотга таклиф қилгандек. Ё конференциянинг раҳбарларига тақдим этилган битта шаҳодатнома ва рамзий медалини юқори қийматли ва кўз кўриб, қулоқ эшитмаган соврин сифатида тасаввур қилишиб, гўё уни ўн саккиз минг олам Парвардигори бу террорчига тақдим этгандек. Аввал ишора қилиб ўтганимиздек, конференция охирида ҳар бир иштирокчига маърузасининг мавзусига боғлиқ ҳолда шаҳодатнома ва конференциянинг рамзий медали (агар бўлса) тақдим этилади. Кабирийнинг маърузаси аввалгидек исломий мўътадил назорат пункти ва экстремизмнинг олдини олишга доир ўзини бечора кўрсатиш ва қуруқ маҳмадоналикдан бошқа нарса бўлмагани учун унга мазкур мавзуга доир конференциянинг рамзий медали (мукофот эмас) берилмаган.

ТИТП террорчи ташкилотининг Тожикистондаги даҳшатли амалларидан огоҳ бўлмаган конференция ташкилотчилари маърузаси асосида наҳзат террорчилари раҳбарини ҳам унга таклиф этишган. У, аввалгидек, фақат Тожикистон Ҳукуматига нисбатан қуруқ маҳмадоналик, ёлғону туҳматларни айтиб, ўзини бегуноҳ мусичадек кўрсатмоқчи бўлган. Бироқ Кабирийнинг бу одатидан Тожикистоннинг бутун шарафли халқи яхши хабардордир.

*Нодири ҚОДИР, диний-сиёсий масалалар таҳлилчиси.*

# КАТАЛОГДА МИЛЛИЙ ИСМЛАР

**Тожикистон Республикаси Адлия вазирлиги Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Тил ва терминология комитети томонидан янги туғилган чақалоқлар учун исмлар каталоги тайёрланганлиги ҳақида яқинда ўтказилган матбуот конференциясида маълумот берди.**



- Ота-оналар айнан ана шу каталогда келтирилган исмлар билан янги туғилган чақалоқларни номлашлари шарт, - деди матбуот анжуманида Адлия вазири ўринбосари Ҳаким Мирсайзод. – Ота-оналар фарзандларига туғилганлик гувоҳномаси олиш учун Фуқаролик ҳолатини қайдга олиш (ЗАГС) бўлимига ташриф буюришганда, уларга мазкур каталог тақдим этилади. Ота-она каталог бўйича фарзандига миллий исм танлаши шарт.

Таъкидланишича, каталогдаги исмларни танлашни истамаган ота-оналар ўзларига ёққан исм билан фарзандларини номлаш таклифи билан махсус комиссияга мурожаат қилишлари лозим бўлади. Ота-оналар танлаган ва каталогдан ўрин олмаган исм билан чақалоқни аташ ёки атамасликни комиссия қарори ҳал қилади.

Шу билан бирга, Тожикистонда яшаётган бошқа миллат вакилларига фарзандларига ихтиёрий исм танлашга ижозат берилган.

Адлия вазирлиги матбуот конференциясида жорий йил биринчи ярим йиллигида тожикистонликларнинг хорижий фуқаролар билан никоҳдан ўтиш ҳолатлари камайганлиги қайд этиб ўтилди.

- Жорий йилнинг олти ойида Тожикистон фуқароларининг хорижликлар билан никоҳдан ўтиш 49 ҳолати қайдга олинган, - деди Адлия вазирлиги Фуқаролик ҳолатини қайдга олиш бошқармаси бошлиғи Саодатбиби Сирожзода. – Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 79 ҳолатни ташкил этганди. Тожикистонликлар Ўзбекистон, Афғонистон, Эрон ва Россия фуқаролари билан, шунингдек, Литва ва Хитой фуқаролари билан ҳам никоҳдан ўтганлик айрим ҳолатлари кўзга ташланади.

Адлия вазирлиги вакилининг маълумотига кўра, ҳисобот даврида мамлакатда 28 минг 103 никоҳдан ўтганлик ҳолати қайдга олинган бўлиб, 5 минг 40та никоҳ бекор қилинган.

- Жорий йил олти ойида мамлакат ахлоқ тузатиш муассасаларида 27 нафар маҳбус вафот этди, - деди вазир ўринбосари Ҳаким Мирсайзод. – Қайдга олинган 27 ҳолатда ҳам зўравонлик белгилари бўлмай, ўлим табиийдир.

Вазир ўринбосарининг таъкидлашича, маҳбуслар кўпроқ турли хасталиклар туфайли вафот этишган.

- Айни пайтда мамлакат ахлоқни тузатиш муассасаларида сил касаллиги билан хасталанган маҳбуслар жазо ўташмоқда, - деди Ҳ. Мисайзод. – Улар дори-дармон билан ўз вақтида таъминланиб, дўхтурлар назоратида туришади.

Вазир ўринбосарининг маълумотига кўра, айни пайтда мамлакат ахлоқ тузатиш муассасаларида 10 минг нафар атрофида маҳбуслар бўлиб, улардан 237 нафарини аёллар ва 353 нафарини хориж фуқаролари ташкил этади. Шу билан бирга, ахлоқ тузатиш муассасаларида 80 нафар бир умрга қамалган маҳбуслар жазо ўташмоқда. 1 минг 548 маҳбус эса, терроризм ва экстремизм учун озодликдан маҳрум этилган.

*Ўз мухбир.*



## Матбуот конференциялари

- Ободончилигу бунёдкорлик ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари агентлик ва унинг таркибидаги ташкилот, муассасаларда белгиланган чора-тадбирлару режа асосида Тожики-

# ОБОДОНЧИЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА

стон Республикаси давлат мустақиллиги нишонланадиган кунгача мунтазам давом эттирилади,-дейилади Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Ўрмон хўжалиги агентлиги раҳбарининг журналистлар ҳузурида берган ярим йиллик ҳисоботида.

Ўрмон хўжалиги агентлиги ва унинг тизимидаги ташкилоту идоралар томонидан махсус муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, агентликнинг Душанбе шаҳридаги «Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти» ва «Навобод» тажрибавий-ишлаб чиқариш минтақасида кенг кўламдаги ободончилик, бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Агентлик зиммасига юклатилган Исмоил Сомоний номли ноҳиянинг жанубий-ғарбидаги сув омбори соҳилида спорт майдончаси қуриш ишлари жорий йилнинг 8 июлида якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Данғара ноҳиясидаги «Сайёд» ҳукумат қароргоҳида Хатлон вилояти ва республика бўйсунишидаги шаҳар ҳамда ноҳиялардаги ўрмон хўжалиги ташкилотлари томонидан 832 гектар майдонда 433 минг 261 туп дарахт кўчатлари ўтқазиш билан боғ ва ўрмонзорларни тиклаш, уларни муҳофаза қилиш ишлари рўёбга чиқарилди.

Миллий бирликнинг XX йиллик юбилейини нишонлаш режасига асосан, мамлакатимиз автомобил трассалари ва уларнинг атрофига 35 минг 515 туп, жумладан, Душанбе-Ваҳдат-Саритош автомобил йўли атрофида 4 минг 400, Данғара-Кўлоб-Дарвозда 12 минг 510, Душанбе- Турсунзодада бир минг 160, Душанбе-Хўжанд-Чанокда 7 минг 745, Қўрғонтепа-Қабодиён-Носир Хусравда 4 минг 500, Ваҳдат-Ёвон автомобил йўли минтақаларида 3 минг туп писта, ўрик, бодом, акация, нина



баргли ва бошқа навдаги дарахтлар кўчатлари ўтқазилди.

Мамлакатимизда иқлим ўзгаришининг салбий таъсири олдини олиш мақсадига йўналтирилган бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Германия тараққиёт банки ҳомийлигида «Устувор ўрмончилик воситасида Тожикистоннинг муҳим сув ҳавзаларини иқлим ўзгаришига мослаштириш» лойиҳаси татбиқи доирасида Фархор, Ховалинг, Ванж ноҳиялари ва Тоғли Бадахшон мухтор вилояти ҳудудларида 688 гектар майдонда янги ўрмонзорлар яратилди.

Мазкур лойиҳа доирасида 512 киши мавсумий иш жойлари билан таъминланиб, 1300-1500 сомоний миқдорида маош берилди.

Ўрмонзорларни бунёд этиш ва тиклаш ишлари 2017 йилнинг 1 июлигача бир минг 434 гектар ҳажмида бажарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 18 гектар зиёддир.

Ўрмон хўжалиги агентлиги тизимидаги ниҳолчилик хўжаликларида 3 миллион 313 минг 500 туп янги кўчатлар етиштирилган бўлиб, бу ўтган ҳисобот давридагига нисбатан 97,5 минг туп кўпдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда тошкўмир қазиб олиш ва электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайгани сабабли, ўрмонзорларни қонунга зид тарзда кесиш 2016 йилнинг шу давридагига қараганда 12 мартага камайган.

Агентлик ва унинг тизимидаги ташкилот ва муассасалар соҳадаги мавжуд камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, унинг ижроси йўлида бутун куч-ғайратларини сафарбар қиладилар.

Матбуот анжумани якунида журналистлар махсус муҳофазадаги табиий ҳудудлар, овчилик, ўрмонзорлар муҳофазасининг давлат назорати билан боғлиқ ўзларини қизиқтирган бир қатор саволларга жавоб олдилар.

*Абдуҳафиз МИРЗААҲМЕДОВ, «Халқ овози».*

# БАЙРАМЛАР АРАФАСИДАГИ АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР

Аксарият журналистларнинг қишлоқ хўжалиги экинларини зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш усуллари ва шу бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги саволларига мамлакат Қишлоқ хўжалиги вазири И.Сатторий қуйидагича жавоб берди:

-Ҳақиқатдан ҳам, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш омилларидан бири - турли хил касалликлардан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Сўнгги йилларда ноқулай об-ҳаво шароити ва бошқа сабабларга кўра, экин майдонларимизда зарарли ҳашаротларнинг кўпайганлиги аянчли ҳолдир. Жорий йилнинг бошида вазиятни бартараф қилиш мақсадида вазирлик қошида Қишлоқ хўжалик экинларини зарарли ҳашоротлардан ҳимоя қилиш комиссияси ташкил этилиб, бу гуруҳ жойларда семинар ва амалий машғулотлар ўтказди. Қишлоқ хўжалиги Фанлар академияси билан ҳамкорликда экин майдонлари ва боғу токзорларни зарарли ҳашаротлардан сақлаш ишлари бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, 96 219 гектар экин майдонларида чигиртка ва бошқа зараркунандаларга қарши химиявий усуллар асосида кураш ишла-



ри олиб борилди. Бу ишни амалга оширишда халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги, хусусан, Япониянинг шу соҳа бўйича мутахассислари билан биргаликда «Чигирткага қарши экспедиция» ташкил этилиб, дори сепиш ускуналари билан жиҳозланган 19та «Тайота» русумли автомашина, 5та МТЗ-82 русумли трактор, қир-адирлардаги ғаллаларни ювиш мақсадида 37та мотоцикл республика хўжаликларига тақсимланди. Ана шу амалий топшириқлар натижасида дастлабки 6 ойликда 47084 гектар ғалла, 7090 гектар маккажўхори, 86 гектар нўхот, 7240 гектар сабзавот, 363 гектар картошка, 7496 гектар полиз экинлари, 12215 гектар боғ, 12912 гектар узумзор, 30590 гектар пахта, 283 115 гектар чорвачилик озуқаси майдонларида 127 4 миллион сомонийлик зарарли ҳашоротларга қарши кураш ишлари амалга оширилди.

Республикамиз бозорларидаги картошка нархининг баландлиги ҳақидаги саволга вазир атрофлича жавоб бериб, Тоғли Мастчоҳ, Мўминобод ва Ғарм минтақасида янги ҳосил йиғиштира бошланганлигини айтиб, аллақачон, дастлабки маҳсулотлар бозорларга чиқариш арафасида эканлиги ҳақида маълумот берди.

Вазирнинг хабар беришича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаларининг тез-тез ташкил этилиши шаҳар ва ноҳия марказларида бу маҳсулотларнинг нархи арзонлашувига анча ёрдам бермоқда, шунингдек, Тожикистон Ҳукумати дастурлари асосида пойтахт ва унинг ноҳияларидаги «Меҳргон», «Сада» ва бошқа байрамлар арафасида ярмаркалар ташкил қилиниб, 1582 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозордан 30-40 фоиз арзон нархда аҳолига тақдим этилганлиги айтиб ўтилди.

Ердан самарали фойдаланиш мақсадида 55943 гектар майдонга такрорий экинлар экилди. Бу жорий йилнинг 1 июлигача бўлган маълумот, йиллик дастурнинг 75 фоизини ташкил этади.

Чет мамлакатлар билан ҳамкорликлар ҳақидаги саволга қишлоқ хўжалик вазирлигининг 17-19 май кунлари Белорус Республикасининг пойтахти Минск шаҳрида ҳукуматлараро биринчи йиғилиш ўтказилиб, икки давлат қишлоқ хўжалик вазирликлари ўртасида 2017-2018 йилларда ўзаро ҳамкорлик протоколи имзолангани маълум қилинди. Шунингдек, ҳисобот даврида Қувайт давлати, Латвия Республикаси ҳамда Тайванд қишлоқ хўжалиги вазирликлари билан ўзаро манфаатли ҳужжатлар имзоланганлиги ҳақида ахборот берилди.

Шу кунларда қишлоқ хўжалиги соҳасига оид 3та ташқи инвестиция лойиҳаси, «2012-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш» дастури замирида 4697 миллион сомонийлик амалий ишлардан 1 июлгача 1269 миллион сомонийлиги ўзлаштирилганлиги бу соҳа тараққиётига катта ҳисса қўшади.

Вазирлик мутахассислари журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам атрофлича жавоб беришди.

*Ҳайтали БОЕВ, «Халқ овози».*

# Янги давлат дастури амалда

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Мелиорация ва ирригация агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Қурбонзода Абдулло жорий йилнинг дастлабки 6 ойлигида, Агентликнинг жойлардаги бўлимлари фаолияти ҳақида ахборот бериб, жорий мавсумда 542909 гектар экин майдонларини сув билан таъминлаш учун 32,7 миллион сомонийлик ишлар амалга оширилганлиги ҳақида маълумот берди.

Сувдан фойдаланувчилар томонидан бу даврда 12,1 миллион сомонийлик, жумладан, Хатлон вилоятида 6,9, Суғд вилоятида 8,4, Республика бўйсунишидаги ноҳияларда 1,8 миллион сомонийлик сувдан фойдаланишнинг хизмат ҳаққи тўланганлиги йиллик дустурнинг 90 фоизини ташкил этади.

Агентлик мутахассисининг хабарига кўра, суғориш иншоотларининг сарфланган электр энергиясининг 1 киловатт-соатига 5,5 дирам тўлаш белгиланган бўлса, 1 кубметр сувга тўланадиган нарх 1,5 дирамга тенглиги аянчли ҳолдир. Барча қийинчиликларга қарамай, Мелиорация ва ирригация агентлиги экин майдонларини сув билан таъминлаш ишларини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилиб келмоқда.

Мелорация ва ирригация агентлигининг шаҳар ва ноҳиялардаги бўлимлари ўз мажбурияти ва шартномаларини вақтида ижро этган бўлса ҳам, аксарият сувдан фойдаланувчилар, суғориш агентлигининг хизмат ҳаққини ўз вақтида тўламаганлиги боис, агентлик қарзи 12,1 миллион сомонийни ташкил этмоқда. Жумладан, «Барқи Тожик» очиқ ҳиссадорлик жамиятидан 28,2 миллион сомоний қарздордир.

Агентликдан табиий офатларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширган чора-тадбирлар ҳақида сўралганда, Қурбонзода Абдулло қуйидагича жавоб берди:

-Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Фавқулодда ҳолатлар ва фуқаролар мудофааси комитети билан ҳамкорликда жорий йилнинг 1 июлигача 1043 километр масофа-



даги соҳил мустаҳкамлаш ишлари, 0,717 километр сув ўтказиш қувурлари ётқизилган. Бу ишлар 2,5 миллион сомоний маблағ ҳисобига бажарилганлигини маълум қилди. «Данғара водийсида суғориш ишлари» дастури асосида, «Панж дарёси ҳавзасида устувор таъминот» дастури лойиҳалари учун 102 миллион АҚШ доллари миқдорида ташқи инвестициялар ўзлаштирилган. Ҳисобот даврида агентлик тизимида 6908 нафар мутахассис фаолият қилмоқда, бу ўтган йил шу даврига нисбатан 156 нафар камлиги таъкидланди. Камайишнинг сабаби ҳақида сўралганда, ойлик маошларининг камлиги сабаб эканлиги маълум қилинди. Айни замонда соҳа мутахассисининг бир ойлик иш ҳаққи 616 сомонийни ташкил қилади.

Тожикистон Республикаси Президентининг 2015 йил 159-фармони асосида агентлик Шаҳритуз ноҳиясидаги мактаб-интернатга ҳомийлик ишларини амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, меҳнат фахрийларига ва камтаъминланган оилаларга 128,8 минг сомонийлик моддий ёрдам кўрсатилган.

Агентлик Тожикистон Республикаси Ҳукумати ва Тожикистон Республикаси Президенти ижроия аппаратининг топшириқ ва кўрсатмаларини амалга ошириш чора-тадбирлари асосида тинимсиз меҳнат қилишни ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

*Ҳайтали БОЕВ, «Халқ овози».*

# ДАСТЛАБКИ «ҚАЛДИРҒОЧ»ЛАР ПАРВОЗИ

-Институт раҳбарияти ўз фаолиятини иш режалари ва таълим босқичини самарали амалга ошириш мақсадида йўлга қўйган, - деди Тожикистон Давлат тасвирий санъат ва дизайн институти ректори Жамшед Ғанизода ташкил этилган матбуот конференциясида. – Айни пайтда институтда 925 нафар талаба таҳсил олмоқда. Булардан 577 нафари кундузги (264 нафар бюджет, 306 нафар шартнома,7 нафар квота) ва 348 нафари (барчаси шартнома асосида) сиртқи бўлимда таълим олади.

-Бу йил институтимиз ўқитувчилари ва талабалари учун тарихий йил бўлди, - деди Жамшед Ғанизода. - Чунки институтимизни дастлабки 106 нафар «қалдирғоч»-битирувчилар тамомламоқда. Бу эса, юртимиздаги тасвирий санъат ва дизайн йўналишидаги дастлабки мутахассислардир.

Қайд этиш жоизки, матбуот конференцияси аввалида институт илк битирувчиларининг диплом ишлари намойиш этилди. Олийгоҳнинг тасвирий санъат ва дизайн йўналишларини тамомлаётганларнинг санъат асарларини томоша қилган ота-оналар ва меҳмонлар улар меҳнатини юқори баҳолашди. Айниқса, ёш дизайнерлар томонидан миллий ва замонавий услубда яратилган либослар коллекцияси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

- Биз биринчи йил иш бошлаганимизда, баъзи ота-оналар фарзандларини институтимизга ўқишга қўяётган пайтда, бизга





унчалик ишонишмаган эди. Чунки биз моддий-техник база ва қулай шароитларсиз иш бошлагандик. Мана, бугун уларнинг баъзилари олдимга келиб, институт ўқитувчилари жамоасига минннатдорчилик билдиришмоқда. Бу эса, биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эриша олганимиздан дарак беради, -деди илк битирувчиларга диплом топшириш тантанавий маросимида сўзга чиққан Тожикистон Давлат тасвирий санъат ва дизайн институти ректори Жамшед Ғанизода.

Мазкур тантанали маросимда сўз олган мамлакатимизнинг таниқли рассом ва меъморлари, ҳақиқатдан ҳам, бу олийгоҳни ташкил этиш рассом ва меъморларнинг кўп йиллик орзуси бўлганлиги, республика олий раҳбарияти ташаббуси билан тасвирий санъат ва дизайнга ихтисослашган олий ўқув юртининг ташкил этилганлиги улар учун жуда катта совға бўлганлигини таъкидлаб, институтнинг тўрт йиллик фаолиятини қониқарли, дея баҳолашди.

Институтнинг кейинги режалари ҳақида гапирган ректор, жорий йил магистратура босқичини ташкил этиш ниятида эканликларини билдирди.

«Халқ овози» мухбирининг дастлабки битирувчиларни иш жойлари билан таъминлаш масаласида олийгоҳ раҳбарияти томонидан қандай чоралар кўрилаётганлиги борасида берган саволига институт ректори қуйидагича жавоб қайтарди:

- Бу йилги 106 нафар битирувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам иш ўринлари билан таъминланади, десак бўлади. Чунки уларнинг дипломига ўз ихтисосларига қўшимча равишда ўқитувчи, деб ҳам ёзилган. Бундан ташқари, бизда тайёрланадиган ихтисосларнинг барчасига ҳам меҳнат бозорида талаб юқори. Мисол учун, ҳозирги пайтда телевидение ва театрларимизда рассомлар, ўрта умумтаълим муассасаларида эса, тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчилари етишмаслиги муаммоси ҳалигача ўз ечимини топгани йўқ. Шунинг учун ҳам, биз мамлакат Мориф ва илм ҳамда Маданият вазирликлари билан келишган ҳолда, битирувчиларимизни иш жойлари билан таъминлашга ҳаракат қилаяпмиз. Бундан ташқари, бу йил институтимизда магистратура йўналишини очмоқчимиз. Таҳсилнинг бу йўналишида ўқишни хоҳлаган битирувчиларимизни қабул қиламиз ҳамда келажакда олийгоҳнинг ўзида фаолият юритишлари имкони пайдо бўлади.

Шунингдек, матбуот конференциясида журналислар институтнинг халқаро алоқалари, ётоқхона ва талабаларнинг амалиёт ўташ масалаларида ҳам ўз саволларига жавоб олдилар.

*Зуҳриддин УМАРОВ, «Халқ овози».*

# СМС

## СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ

Тел: 918-61-99-71

===== Мамлакатимизда =====

*Кураш*

### ДЗЮДОЧИ ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

Беларус Республикасининг пойтахти Минск шаҳрида курашнинг дзюдо тури бўйича «Европа кубоги» мусобақалари бўлиб ўтди.

Унда таркиби Комроншоҳ Устопириён, Садр Боев, Кароматулло Ҳакимов ва Муҳаммадрасул Саидумаровлардан иборат мамлакатимиз терма жамоаси иштирок этди.



Комроншоҳ Устопириён ўз вазн тоифасида нуфузли турнирнинг бронза медалини қўлга киритди. Бу ҳақда Тожикистон Миллий олимпиада комитети хабар тарқатди.

Дзюдочимиз дастлабки чиқишларида Беларус ҳамда Россия давлатлари намояндаларини мағлубиятга учратди. Учинчи рақиби исроиллик Ли Кохманга имкониятни бой бериб қўйди.

Медал учун кечган беллашувларда венгриялик Заболкс Крижан ва Габор Верларни доғда қолдирди.

Термамизнинг бошқа аъзолари муваффақиятга эриша олишмади.

*Футзал*

### «ДИСИ ИНВЕСТ»НИНГ ОМАДСИЗ ДЕБЮТИ

Илгари хабар қилганимиздек, Ветнамнинг Хошимин шаҳрида мини-футбол бўйича старт олган клублар ўртасидаги Осиё биринчилиги мусобақалари ўз маррасига етди.

Клублар ўртасидаги қитъа чемпионатида илк бор иштирок этган Душанбенинг «ДИСИ Инвест» жамоаси омадсиз қатнашиб, турнирнинг 1/4 финал босқичига чиқишни уддалай олмади.

Футзалчиларимиз гуруҳ босқичининг 1-турида Ироқнинг «Нафит ал- Васат» клубига 2:7 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

Кейинги турларда ҳам Қатарнинг «Ал-Райян» ва Индонезиянинг «Вамос Матарам» жамоаларига муносиб қаршилик кўрсата олмадилар ва 1:2 ҳамда 2:5 ҳисобидаги мағлубиятлар аламини чекишди.

Соҳа мутахассисларининг айтишларича, «ДИСИ Инвест» жамоасига халқаро мусобақаларда иштирок қилиш тажрибасининг етишмаслиги панд берган.

*Футбол*

### НАЗОРАТ УЧРАШУВЛАРИДАГИ НАТИЖАЛАР

Олий лига жамоалари ўртасида амалдаги Тожикистон чемпиони пойтахтнинг «Истиқлол» жамоаси давралар оралиғидаги танаффус пайтида Ўзбекистоннинг бир қатор клублари билан назорат учрашувлари ўтказди.

Тошкентда бўлиб ўтган ўртоқлик ўйинларининг биринчисида «Истиқлол» Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасига қарши майдонга тушди.

Учрашувнинг биринчи қисми тенг курашлар асосида кечган бўлса, иккинчи қисмда фарғоналиклар назоратни ўз қўлларига олдилар ва рақиб дарвозасига кетма-кет иккита гол киритдилар. Матчнинг 90-дақиқасида ҳакам томонидан белгиланган 11 метрлик жарима тўпини душанбеликлар ҳужумчиси Дилшод Восиев дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни қисқартирди-2:1.



Кейинги Муборакнинг «Машъал» ва Бекободнинг «Металлург» жамоаларига қарши ўтган учрашувларда бир хил-1:1 дуранг натижалар қайд этилди.

======== Жаҳонда ========

*Шаҳмат*

### МЕЗБОН - ГРУЗИЯ ПОЙТАХТИ

Жорий йилнинг 2-27 сентябр кунлари Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида шаҳмат бўйича «Жаҳон кубоги» турнири ўтказилади.

Ушбу мусобақаларда амалдаги жаҳон чемпиони, норвегиялик Магнус Карлсен ҳам қатнашади. Жаҳон шаҳмат тожининг соҳиби буни расман тасдиқлади.

Турнир «нокаут» тизимида ўтказилиб, енгилган шаҳматчи тўғридан- тўғри мусобақаларни тарк этади. Агар икки партия натижасига кўра, дуранг кўрсаткич қайд этилса, ғолиб тай-брек йўли билан аниқланади.

Мусобақанинг финал босқичи тўртта классик партиядан иборат бўлади. Ғолиб ва финалчи шаҳматчиларга жаҳон чемпионатида иштирок этишни мақсад қилган даъвогарлар турнирида қатнашиш ҳуқуқи берилади.

*Хоккей*

### БОШ МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ

Келгуси 2018 йилнинг 14-25 феврал кунлари Жанубий Кореянинг Пхенчхан шаҳрида қишки олимпиада ўйинлари ташкил этилади.

Ушбу халқаро турнирда хоккей бўйича Канада терма жамоаси янги бош мураббий раҳбарлиги остида қатнашишга қарор қилди.

Бош мураббийлик вазифасига эса, 60 ёшли Уилли Дежардек тайинланди. У илгари Миллий хоккей лигасининг «Ванкувер» ҳамда Америка хоккей лигасининг «Техас Старз» жамоаларини бошқарган.

Канада миллий терма жамоаси олдинги 2010 ва 2014 йилларда ўтказилган қишки олимпиада ўйинлари ғолибидир.

«Олимпиада ўйинлари-2018» мусобақаларининг илк босқичида канадаликлар Чехия, Швейцария ва Жанубий Корея термаларига қарши музли майдонга тушишади.

*Бокс*

### ОЛИМПИАДА ЛИЦЕНЗИЯЛАРИ БЕРИЛАДИ

Бокс бўйича эркаклар ўртасидаги «Жаҳон чемпионати-2019» турнири Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

Турнир мезбонлиги учун Ҳиндистон, Украина, Таиланд ва Туркия каби давлатлар ҳам даъвогарлик қилганди.

Бу тўғрида Россия бокс федерацияси бош котиби Умар Кремлев маълум қилди.

Турнир совриндорлари 2020 йилда Токиода ўтказилиши кўзда тутилган ёзги олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензияларга эга бўладилар.

*«Халқ овози» нинг спорт шарҳловчиси.*

√ Мулоҳаза

# ТОЖИК НАҲЗАТЧИЛАРИ - ИСЛОМ ДИНИ ВА МУСУЛМОНЛАР ДУШМАНИ

Мусулмонлар яшайдиган мамлакатларда диний партияларнинг вужудга келиш тарихи XX аср аввалларидан бошланган нисбатан янги ҳодисалардир. Бу мамлакатларда колонизация таъсири натижасида сиёсий тузилмалар ва партиялар Ғарб моделлари асосида вужудга келди. Аммо фуқаролик жамияти ва таълиму маданият сатҳининг заифлиги сабабли, сиёсатчилар диний ва қавмий унсурлардан сиёсий қудрат сифатида фойдаланишарди. Мисрдаги "Ихвон-ул-муслимин", Ҳиндда араб мамлакатлари, Исломий лига ва ҳоказоларни шундай гуруҳлар сирасига киритиш мумкин.

Гарчи, Тожикистон ва Марказий Осиё мамлакатларида Шўролар даврида сиёсий Ислом ақидалари таъсири кам назарга ташланган бўлса-да, аммо тожик мутахассиси Абдулло Раҳнамонинг маълумотига биноан, ўтган асрнинг 70-80 йилларида «Ихвон-ул-муслимин» ҳаракати идеологлари Ҳасан ал-Барно, Саид Қутб ва Муҳаммад Қутбларнинг китоблари таниқли тожик руҳонийлари дарсларида ўқитилиб, ўргатилган. Тожикистонда фаолияти тақиқланган Ислом тикланиш партияси барча фаоллари ва ўтган асрнинг 90-йилларида сиёсат майдонига сиёсий даъволар билан чиққан бошқа руҳонийлар бу яширин ўқитиш ҳалқалари тарбияланувчилари орасида сиёсий ихвоний фикр юритиш ишларини олиб боришди.

Таъкидлаш жоизки, тожик халқи фақатгина XX асрнинг 90-йилларида исломий партия-ю ҳаракатлар ва исломий-сиёсий идеология асил мақсадидан огоҳ бўлди. Бу партиянинг таъсис этилиши ва "исломий" даъволардан сиёсий мақсади, яъни исломий давлат барпо этиш ва руҳонийлар бир гуруҳининг қудрат тепасига келишидан бошқа мақсади йўқ эди. Неча йиллар аввал фаолияти тақиқланган бу партия асосчиларидан бири бундай ақидани рўй-рост айтган эди. Давлат Усмон Шўролар Ҳукумати охирларида ушбу партияни ташкил этиш ортидан югурган шахслардан биридир. У "Самак" газетасига берган суҳбатида мамлакатда исломий давлатни ташкил қилишни мақсад этганликларига иқрор бўлганди.

Муҳиддин Кабирий иккинчи йилдирки, мамлакат ташқарисини ўзи учун истиқомат жойига айлантирган. Номи халқаро полиция, яъни Интерполнинг рўйхатида турганига қарамасдан, Европанинг баъзи мамлакатларида мамлакатимизнинг Конституцион тузумига қарши душманона фаолиятини давом эттирмоқда. У бир муддат аввал шундай баён қилганди: «Инсоний қадриятлар сиёсий, гуруҳий, дунёқарашу мойиллик мавқеларидан устунроқ ҳисобланади ҳамда фақат жуда заиф ва анча нодир лаҳзаларда бу устунлик ва ўзига хос хусусият ўзини исботлайди». У бунинг давомида ҳар доимгидек мамлакат тинчлигу барқарорлиги ва осойишталигидан гина қилиб, мамлакат Ҳукуматига нисбатан ўзининг нотўғри фикру ақидаларини билдирган.

Тожик мутахассисларининг ақидасига кўра, "исломий" партиячиларнинг сиёсат майдонидаги омадсизликлари уларнинг давлатга қарши туришлари ва ҳукумат душманига айланишларига сабаб бўлган. Замонавий тожик исломчиларининг разилона услублари муваффақияту ютуқларни кўрмасликка олиш ва камчилик излаш билан боғлиқдир. Партияга Ислом номини бериш ҳамма томондан қўллаб-қувватланиш учун мустаҳкам кучдир.

Бу партия тарафдорлари унинг мавжудлигини Ислом, мусулмонлар ва тожикистонликлар нафи билиб, улар ташкил қилган партия адолатпарвар, сабр-бардошли бўлган, мамлакат мусулмонларининг ягона хизматчиси, дейишади. Шунинг бараварида, улар интернет ва ахборот воситалари орқали бу тарғиботни мамлакат ташқарисида кучайтириб, жаҳон ҳамжамиятига Тожикистон Ҳукуматини Ислом динининг душмани сифатида кўрсатмоқчи бўлишади. Келтирилган мисоллар Кабирий раҳбарлигидаги экстремистик наҳзатчилар диний ва миллий қадриятларни тан олмасликлари, сиёсий мақсадларига эришиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасликларидан гувоҳлик беради. Тожик наҳзатчилари ўзларини масъулиятшунос, хайриҳоҳ ва мамлакат халқининг ғамхўри сифатида билишади. Аммо Тожикистоннинг шарафли халқи аслида бу иддаоларнинг бари ёлғон бўлиб, йилдан-йилга бўйинларидаги ёлланмачилик бўйинтуруқларини халқ назаридан яширишдан бошқа нарса эмаслигини билишлари керак.

*Шамсиддин ШЎҲРАТ.*



Матбуот конференциялари

# Буғдой ва ун импорти сезиларли камайган

- Жорий йил олти ойида республикамизга 446,8 минг тонна буғдой олиб келинган, - деди Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Монополияга қаршилик хизмати бошлиғи Саъди Қодирзода журналистлар билан ўтказилган матбуот конференциясида. – Келтирилган буғдойнинг ҳар тоннаси нархи 207 Америка долларига тўғри келди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,2 минг тонна ёки 4,3 фоиз камдир.

Саъди Қодирзоданинг маълумотига кўра, мамлакатимиз ғалла бозорида 58 хўжалик субъекти фаолият юритади ва уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3тага камайган.

- Шунингдек, Тожикистонда ун импорти 46,7 фоизга камайган, - деди С. Қодирзода. – Олти ой мобайнида мамлакатимизга 23,3 минг тонна ун киритилган. Бир тонна уннинг нархи 265 АҚШ долларини ташкил этган. Мамлакатимиз ун ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти яхшиланганлиги бу маҳсулот импортининг камайиши омили бўлиб хизмат қилди.

Ўтган олти ой мобайнида ун ишлаб чиқариш корхоналари 313,2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарган ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 88,9 минг тонна ёки 26,3 фоизга ортиқдир. Буғдой ва ун Тожикистонга, асосан, Қозоғистон Республикасидан келтирилади.



Жорий йил биринчи ярим йиллигида Душанбе шаҳри улгуржи савдо нуқталарида 50 килограммлик бир қоп биринчи навли уннинг нархи 150-155 сомонийни ташкил этган.

- Ўтган олти ой мобайнида 51,6 минг тонна шакар келтирилган, - деди Монополияга қаршилик хизмат бошлиғи. – Келтирилган шакарнинг 51,93 фоизи Россия Федерацияси ва 23,16 фоизи Беларус Республикаси улушига тўғри келади. Ҳисобот даврида мамлакатимиз бозорларида бир килограмм шакарнинг нархи 7,35-8 сомонийни ташкил этди.

Матбуот конференциясида қайд этилишича, ёнилғи бозорида ҳам соғлом рақобат мавжуд бўлиб, бир литр «АИ-92» русмли бензиннинг нархи 6,3-6,6 сомонийдир.

Бундан ташқари, журналистларга кўмир бозоридаги вазият, соғлиқни сақлаш, маориф соҳаларида хизмат кўрсатиш савиялари ҳамда табиий монополияларни тартибга солиш, шунингдек, реклама фаолияти юзасидан атрофлича маълумотлар тақдим этилди.

*Искандар МАҲМАДАЛИЕВ, «Халқ овози».*

# БОШ ВАЗИФА – САНОАТЛАШТИРИШ

Тожикистонни халқ хўжалиги асоси аграр-саноат бўлган мамлакатдан саноат-аграр давлатга айлантириш бугунги кунда Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг бош вазифасидир. «2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган миллий тараққиёт стратегияси», асосан, ана шу мақсадга йўналтирилгандир.

Тожикистон Саноат ва янги технологиялар вазири Шавкат Бобозода мамлакат ва хорижий оммавий ахборот воситалари намояндалари билан амалдаги 2017 йилнинг биринчи ярми якунига бағишлаб ўтказган матбуот конференциясида юқорида қайд этилган фикрга алоҳида урғу бериб ўтди.

Мазкур мақсадга эришиш ва мамлакат саноатида ривожланишни йўлга қўйиш ниятида бугунгача замонавий технологиялар билан жиҳозлантирилган янги саноат корхоналари таъсис этилиши ва фаолият бошлаши натижасида воқеий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилнинг биринчи ярмида 21,3 фоизга кўпайиб, ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 18,9 фоизини ташкил қилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,9 фоизга ортиқдир.

Статистик маълумотларга кўра, 2017 йилнинг биринчи ярмида Тожикистонда 8 миллиард 552,4 миллион сомонийлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Республика миқёсида ўсиш суръати 2016 йилнинг шу давридагига нисбатан 121,3 фоизни ташкил қилди.



Саноат маҳсулотлари мажмуига кирувчи соҳаларнинг улуши қуйидагича бўлди: тоғ-кон саноати 28,6, озиқ-овқат саноати 24,3, электроэнергетика саноати 22,1, қурилиш маҳсулотлари саноати 10,2, машинасозлик саноати 6,4, енгил ва пахта тозалаш саноати 6,2, кўмир қазиб олиш саноати 0,9, нашриёт саноати 0,7, нефт ва газ саноати 0,5 фоизга тенг бўлди.

Биринчи ярим йилликда саноат соҳаси тараққиёти республика бўйсунишидаги ноҳиялардан (83,1 фоиз) ташқари Суғд вилоятида 137,3, Хатлонда 117,7, Тоғли Бадахшон мухтор вилоятида 111,4, Душанбе шаҳрида 103,5 фоизни ташкил қилди. 2017 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг 97,3 фоизи сотувга чиқарилди.

Саноат ва янги технологиялар вазирлиги миллий тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган биринчи даражали вазифаларни ўз вақтида ва сифатли адо этиш йўлида мавжуд саноат корхоналарининг иқтидорларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда, мамлакатимизни саноат-аграр давлатга айлантиришда барча имкониятларни ишга солиб фаолият юритади…

*Абдуҳафиз МИРЗААҲМЕДОВ, «Халқ овози».*

АҚШ

## КХДРга қарши тадбирлар

- "АҚШ Тинч океани ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони генерал Терренс О'Шонессининг маълум қилишича, Қўшма Штатлар ҳамда иттифоқчилари Шимолий Кореяга "тез ва жуда катта куч" қўллашга тайёр. Бунга зарурат туғилса, зудлик билан рўй беради", - деб хабар қилди "Fox News".



Генералнинг сўзларига кўра, Шимолий Корея минтақадаги барқарорликка энг хавфли таҳдид саналади.

Россия

## Дипломатлар сони тенглаштирилади

Россия Президенти Владимир Путиннинг баёнот беришича, мамлакатнинг АҚШга қарши жавоб чоралари туфайли Россияни 755 нафар америкалик дипломат тарк этади. У бу ҳақда Владимир Соловевга берган интервюсида сўз юритди. Суҳбатнинг бир қисмини "Вести.Ru" эълон қилди.



Россия етакчисининг сўзларига кўра, Америка томони "Россия-Америка муносабатларининг ёмонлашуви томон ... ҳеч бир асоссиз ножўя қадам ташлагани" сабабли, Москва шундай қарор қабул қилган.

Москва АҚШ Конгрессининг Россияга нисбатан кучайтирилган санкцияларни маъқуллаганига жавобан қарши чоралар қўллади: 1 августдан АҚШ дипломатлари Москванинг Дорожной кўчасидаги омборхоналардан ва Серебрянний Борда жойлашган дачадан фойдалана олмайди.

Япония

## Қайтариб бериладиган ер

АҚШ Японияга Окинава префектурасида жойлашган Гинован шаҳридаги 4 гектар ер майдонини қайтариб берди.



Бу ерда АҚШ денгиз пиёда қўшинлари корпуси авиабазаси жойлашган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, ушбу ҳудудда конвертопланларнинг парвоз қилиши аҳоли ҳаётига хавф солади. Натижада базани Хэноко минтақасига кўчиришга қарор қилинган.

Мутахассисларнинг айтишларича, ернинг қайтарилиши АҚШнинг ўз қўшинларини бу ҳудуддан олиб чиқиб кетиши охир-оқибат қотган жойдан силжиганини кўрсатишга уриниши ҳисобланади.

Араб лигаси

## Қатарга нисбатан талаблар кучда қолади

Қатар билан алоқаларни узган араб давлатлари - Саудия Арабистони, БАА, Баҳрайн, Миср агар ҳукумат террорчиликни қўллаб-қувватлашни бас қилса, у билан мулоқот қилишга тайёрликларини билдирди. Бу ҳақда Баҳрайн пойтахти Манамада ўтган матбуот анжуманида бу давлат ташқи ишлар вазири Холид бин Аҳмад Ал-Ҳалифа айтиб ўтган.

Қисқа сатрларда

30 июл куни Арнолд Шварценеггер - спортчи, актёр, сиёсатчи, тадбиркор, бир сўз билан айтганда, машҳур инсон - 70 ёшни қаршилади.

***

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг катта қизи Гулнора Каримова иши бўйича батафсил маълумотлар берди. Унга кўра, Каримова 2001 йилдан 2013 йилгача 3,7 триллион сўмдан ортиқ маблағни ўзлаштирган. У 6та модда бўйича айбланиб, унга 5 йиллик қамоқ жазоси белгиланган.



***

29 июл куни Бишкек шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон делегацияларининг давлат чегарасини делимитация қилиш масалалари бўйича тўққиз кун давом этган навбатдаги музокаралари якунига етди. Бу ҳақда ТИВ матбуот хизмати хабар берди.

***

Хитойда Халқ-озодлик армияси ташкил этилганининг 90 йиллигига бағишлаб ҳарбий парад ташкил этилди. Парад Ички Мўғулистон мухтор ҳудудидаги Чжужихэ машғулот базасида ўтказилди. Бу ҳақда "Xinhua" агентлиги хабар тарқатди.

***

Эрон ташқи ишлар вазири ўринбосари Аббос Арақчининг маълум қилишича, агар зарар фойдадан кўра кўпроқ бўлса, Теҳрон ядровий келишувдан чиқади. Бу ҳақда "Tasnim" ахборот агентлиги хабар берди.

***

- "Нигерия шимолида террорчи-худкушлар ўзларини портлатиши оқибатида камида 14 киши ҳалок бўлди", - деб хабар тарқатди "Associated Press" ахборот агентлиги.

***

Грузиянинг собиқ Президенти Михаил Саакашвили унинг Киевга қайтиши Пётр Порошенконинг Украина Президенти лавозимидан ағдарилишига олиб келишини айтди.



***

Зимбабвенинг 93 ёшли Президенти Роберт Мугабе ўз лавозимидан кетмаслигини айтди. У бу ҳақда Чинхойи шаҳридаги ўн минглаб тарафдорлари олдидаги нутқида таъкидлаб ўтди.

***

- "Толибон" радикал ҳаракати жангарилари 29 июлда Афғонистоннинг Қандаҳор вилоятидаги тўғонни портлатиб юборишди ва катта кўламдаги қишлоқ хўжалиги ерларини сувсиз қолдиришди, - деб хабар берди "Khaama Press".



***

- "Покистоннинг энг йирик Панжоб вилояти раҳбари Шоҳбоз Шариф номзоди ҳукмрон "Покистон Мусулмон лигаси" партиясининг 4 соатлик норасмий мажлисида тасдиқланди. Кенгашни партия раҳбари ва Вазирлар маҳкамасининг собиқ раиси Навоз Шариф олиб борди", - деб ёзди "Dawn" нашри.

***

- "Фаластин Мухторияти Раиси Маҳмуд Аббос режали тиббий текширувдан ўтказиш учун шифохонага ётқизилди. Бу ҳақда унинг матбуот котиби хабар берди", - деб маълум қилди "Associated Press".



***

- "БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Шимолий Кореяни навбатдаги баллистик ракетани учиргани туфайли қоралади", - деб хабар қилинди бутунжаҳон ташкилот матбуот-релизида.

*Сиерра-Леоне*

## Кўчада югуриш тақиқланди

Сиерра-Леонеда шаҳарларнинг кўчаларида ҳаллослаб югуриш тақиқланди. Бу борада "Africanews" хабар тарқатган.

Бу ҳақда 27 июл куни аҳоли огоҳлантирилган. Африкадаги ушбу давлат полицияси бошлиғи Фрэнсис Алйе Муну шундай қарорни имзолаган.



Бундай чеклов киритилиши югурувчилар томонидан ноқулайликлар келтириб чиқарилиши билан изоҳланган. Полициядан маълум қилинишича, бундайлар бошқа йўловчиларнинг ҳамиятига тегиши, уларнинг нарсаларини ўғирлаши, йўл ҳаракатига халақит бериши, автомобилларга тегиниши ёки мусиқани баланд қўйиб бошқаларнинг ғашини келтириши ҳолатлари кузатилган.

Эндиликда Сиерра-Леонеда югуриш учун махсус рухсатнома керак бўлади. Маҳаллий ҳокимият бу қоидани бузганларга қандай жазо белгиланишига аниқлик киритмаган.

Шу билан бирга, истаган кишилар пляжларда ёки махсус спорт ҳудудларида югуришлари мумкин бўлади.

Сирли олам

# НИМА? ҚАЕРДА? ҚАЧОН?

*Юлдузлар ҳаёти*

## Сеҳрли рақамнинг хосияти

"Реал" ҳужумчиси Криштиану Роналду келгусида оиласининг янада катта бўлиши мумкинлиги ҳақида гапирди.

- Кичик Криштиануда энди катта масъулият пайдо бўлдими?

- Ҳа, оиламизда энг каттаси бўлади. У бундан хурсанд.

Биласизми, у менга нима деди: - Дада, мен яна укаларим бўлишини хоҳлайман. Ҳозир эмасдир, келажакда. У сеҳрли рақамни хоҳламоқда - етти. Мен унга айтдим: - Кел, шошилмайлик. Барчаси Худонинг қўлида, - деган Роналду Хитой телевидениеси эфирида.



Футболчининг ўзи "Реал"да ҳам, Португалия терма жамоасида ҳам 7-рақамда ҳаракат қилади. У ҳозирча оила қуриб улгурмаган бўлса-да, уч фарзанднинг отаси. Фарзандларнинг барчаси суррогат оналардан туғилган, 7 ёшли Криштиану ва ўтган ойда дунёга келган эгизаклар Ева ҳамда Матео. Айни вақтда унинг маҳбубаси Жоржина Родригес ҳомиладор.

*Швейцария*

## Энг узун осма кўприк

- "Швейцариянинг Вале кантонида узунлиги деярли 500 метр келадиган пиёдалар учун мўлжалланган осма кўприк очилди. Бу кўприк дунё рекордини янгилаб, энг узун пиёдалар осма кўпригига айланди", - деб ёзди "20 Minuten" портали.



Кўприк қурилиши ҳомийларидан бири шарафига Чарлз Куонен, деб номланган кўприк ер сиртидан 80 метр баландликдан ўтиб, Грэхен ва Церматт аҳоли пунктларини боғлайди. Унинг узунлиги 494 метрни, эни эса, 65 сантиметрни ташкил қилади.

Маълум қилинишича, кўприк қурилишига 730 минг швейцар франки (750 минг доллар) сарфланган. Кўприкдан пиёдалар 29 июлдан фойдалана бошлаганлар.

*Тадбиркорлик*

## Бир кунгина дунёнинг бой кишиси бўлиб…

2017 йилнинг 27 июлида "Amazon" компанияси асосчиси Жефф Безос сайёрадаги энг бадавлат инсонга айланди. Компания акциялари нархи 2017 йилнинг иккинчи чораги якунлари эълон қилинишидан бироз аввал 1,8 фоизга ўсиб, 1 071,31 долларни ташкил этди. Бу эса, Безоснинг давлатини 90,6 миллиард долларга қадар оширди.



Бироқ иккинчи чорак якунлари эълон қилинганидан бир кун ўтиб, акциялар 3 фоизга арзонлашди: "Amazon"нинг соф даромади 77 фоизга қисқарди ҳамда 197 миллион долларни ташкил этди (бир йил аввал 857 миллион доллар). Компания фойдаси 25 фоизга ўсди ҳамда 38 миллиард долларга тенг бўлди. Безоснинг давлати 88,7 миллиард долларга пасайиб кетди ҳамда у яна Гейтсдан ортда қолди.

*Янгилик*

## Гўштдан тайёрланган ичимлик

- "Германиялик қассоб Петер Классен бозорга гўштли ичимликлар чиқаради", - деб хабар қилди "Die Welt".

Маҳсулот Германияда сентябр ойида сотувга чиқарилади. Классеннинг сўзларига кўра, у Люксембург, Белгия ва франциялик бўлган ишлаб чиқарувчилар билан шартнома имзолаб бўлган.

- "Биз катта қизиқиш бор эканига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай маҳсулот ҳали чиқарилмаган", - дея таъкидлаб ўтди қассоб. Унинг қўшимча қилишича, халқаро патент олишга мурожаат ҳам юборган.



Классен ҳозирги пайтда уч таъмдаги ичимликларни чиқаришга тайёрлаб қўйган: "Стейк", "Бомбей мол гўшти" ва "Қирол товуғи". Ичимликни тайёрлаш учун гўшт сабзавотлар билан бирга булйонда қайнатилиб, какао каби кўринишга келгунга қадар эзилади. Шундан сўнг суюқлик идишларга жойланади ва турли микроблардан тозаланади. 55 ёшли қассобнинг сўзларига кўра, шу тариқа совутилган ичимликни бир йил давомида сақлаш мумкин.

*Хитой*

## Қаллобликни яширишнинг антиқа усули

- "Хитойнинг Хубэй вилоятида яшовчи аёл 25 миллион юан (3,7 миллион доллар) миқдоридаги кредитни тўламаслик учун пластик амалиётини ўтказиб, ташқи кўринишини ўзгартирди", - деб хабар тарқатди Синхуа агентлиги.

Хубэй вилояти Ухан шаҳри судининг қароридан сўнг, 59 ёшли Чжу Нацзюан пластик амалиётини ўтказиб, номаълум томонга ғойиб бўлган.

Агентлик маълумотларига кўра, у июл ойида Шэнчжэн шаҳрида бошқа шахс номига темир йўл чиптасини харид қилаётган вақтда ушланган. Қайд этилишича, полиция ходимлари уни ушлашга келишганида, гумондорнинг ўзига ўхшамаслигидан ажабланишган. Ҳуқуқ-тартибот идораси ходимининг айтишича, у 30-40 ёшли аёлга ўхшаган.

Сўнгги вақтларда Ухан шаҳри ҳукумати кредитларни тўламайдиганларга қарши жиддий кураш олиб бора бошлаган. Йилнинг биринчи ярим йиллигида шаҳарда 186 киши кредитларини тўламаслик айблови билан ушланган.

*ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.*

# Кўнгилда пок гуллар отмоқда илдиз...





*Муслима Ўлмасзода*

***Муслима Ўлмасзода (Абдуазизова) 1972 йилда Жаббор Расулов ноҳиясининг Қўрғонча қишлоғида туғилган. Ҳозир Жаббор Расулов ноҳияси маориф бўлимининг «Омўзгор ва хонанда» газетаси мухбири вазифасида фаолият юритмоқда. «Тоғ лоласи» (Хўжанд. «Раҳим Жалил» нашриёти, 2016 йил), «Саман минган санамман» (2017 йил) шеърий тўпламлар ва «Қўрғонча ва унинг машъаллари» (2017 йил) китоблари муаллифи.***

## РАҲНАМО

*Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмонга*

*Куч олдик нурафшон Паёмингиздан,*
*Пешволик сезилар пок номингиздан,*
*Шаҳду шакар томар хуш комингиздан,*
*Хушгуфторсиз, хушкаломсиз, хушнамо,*
*Бизга пешво, бизга сарвар, раҳнамо.*
*Халқим аросатда қолган бир маҳал,*
*Юртни исканжага олганда ажал,*
*Ваҳдат қасрига сиз қўйдингиз тамал,*
*Дардига бўлдингиз малҳаму даво,*
*Нажоткор, халоскор, раҳбар, раҳнамо.*
*Сиз боис порлади тинчлик қуёши,*
*Сузилди ярашув - муроса оши,*
*Боши берк йўлакдан чиқди эл боши,*
*Бирдамлик навоси берди акс-садо,*
*Чунки эл топганди, сиздай раҳнамо.*
*Зулматга мубтало бўлганда ўлка,*
*Рогун яловини туғ айлаб қўлда,*
*Сизмасми, йўллаган нурафшон йўлга,*
*Умримиз айлаган ёрқин, пурсафо,*
*Сиз элнинг таянчи пешбар раҳнамо.*
*Кўз очди юртимда истиқлол тонги,*
*Таралди ҳурликнинг жарангли бонги,*
*Бўйлар беш қитъани авлодлар онги,*
*Сиздан куч олмишлар улар, аввало,*
*Сиз, ахир, уларга саркор, раҳнамо.*
*Қадоқли йўл бугун кафтдайин текис,*
*Кўнгилда пок гуллар отмоқда илдиз,*
*Маърифатга элтар ҳар одим, ҳар из,*
*Бизга бағрин очар, ҳатто, кенг само,*
*Чунки бор бизларда сиздай раҳнамо.*
*Сиз жарнинг лабидан қутқарган диёр,*
*Дунёвий зафарга бу кун бўлди ёр,*
*Мамнун эл қалбида тоғдай ифтихор,*
*Мустажоб бўлгайдир барча муддао,*
*Омон бўлса доим, сиздай раҳнамо!*

## ВАТАНИМ

*Ватан остонадан бошланар, дерлар,*
*Остона - муқаддас, остона - қутлуғ.*
*Ватан, деб шоирлар битади шеърлар,*
*Ватанни ардоқлаш - ниҳоят улуғ.*
*Аммо у табаррук остонанг - қадринг,*
*Баъзи кўрнамаклар, балки билмаслар.*
*Токи бўлмагунча айро Ватандин,*
*Беватан қолгунча афсус қилмаслар.*
*Юртининг тупроғин суртиб кўзига,*
*Тўтиё айламас, нокас дарбадар.*
*Она-Ватан деган улуғ сўзига,*
*Етмаса ўкинманг Худо бехабар.*
*Абдулла Ориф ҳам таъкидлаб ўтган,*
*Кечирма бойликка ўч фарзандингни.*
*Тиканзор бўлсанг ҳам кўксини тутган,*
*Ардоқла жон фидо жигарбандингни.*
*Биҳиштдай боғларинг оромбахш азал,*
*Садафдай тоғларинг ястанар мағрур.*
*Авлодлар мадҳингни куйлаб шеър ёзар,*
*Қалбимни эгаллар ифтихор, ғурур.*
*Қиру сўқмоқларинг урён югургум,*
*Шифобахш гиёҳинг кўзимга суртиб.*
*Сени севганлардан ортиқроқ севгум,*
*Пойингга шеърларим шодасин тўкиб.*
*Эй, Она-Ватаним, бағрингда бугун,*
*Эсар истиқлолнинг шамоли майин.*
*Шаҳар-қишлоқларинг кўркам ва гулгун,*
*Очилиб яшнайсан кун ўтган сайин.*
*Жондан азиз юртим - Тожикистоним,*
*Сенга тош отсалар қалқондир кўксим.*
*Тасаддуқ бўлсин эй, сенга минг жоним,*
*Истиқлол байраминг муборак бўлсин!*

## ОҲАНРАБОМИЗ

*Биламан, сиз мени кетмайсиз ташлаб,*
*Кўнгил дарчасидан бўйлайвераман.*
*Сизни мен илк марта кўргандан бошлаб,*
*Сўнгги нафасгача ўйлайвераман.*
*Ҳеч қачон сиз мени кетмайсиз ташлаб,*
*Бошдан кечирганим сўйлайвераман.*
*Муҳаббат дуторин қўлимда ушлаб,*
*Дардим қўшиқ қилиб, куйлайвераман.*
*Висолнинг шарбати шунчалар ширин,*
*Воз кеча олмайсиз сиз ундан зинҳор.*
*Садоқат гавҳари унда яширин,*
*Унда қўш юракнинг қўша меҳри бор.*
*Топмаганим каби сиздай султонни,*
*Сиз ҳам тополмайсиз, мендай бир санам.*
*Мен ҳам сарсон кезиб жумла жаҳонни,*
*Тополмайман сиздай дардимга малҳам.*
*Биз кеча олмаймиз бир-биримиздан,*
*Меҳр тоғида биз - акс-садомиз.*
*Айрилиқ шарпаси қочгайдир биздан,*
*Чунки бир-бировга оҳанрабомиз.*

*Жаббор Расулов ноҳияси.*

## 2018-2028 йиллар – «Сув устувор тараққиёт учун» амалиёт ўн йиллиги



## Тожикистон - зилол сувлар ўлкаси



*Абдулҳамид Самадов*

***Абдулҳамид Самадов - Тожикистон Халқ ёзувчиси, Рўдакий номидаги давлат мукофоти лауреати.***

***Абдулҳамид Самадов 1947 йилнинг 5 августида Хатлон вилоятининг Ховалинг ноҳиясига қарашли Шикоргоҳ қишлоғида дунёга келган. Ўрта мактабни битириб, Душанбе педагогика олийгоҳида таълим олган. Бўлажак ёзувчининг қисса ва ҳикоялари ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб "Садои Шарқ", "Памир" каби нуфузли ойномалар ва "Адабиёт ва санъат", "Жумҳурият" сингари рўзномаларда чоп этила бошланган.***

***Шу кунгача адибнинг "Шохи чанор", "Баъд аз сари падар", "Пиёлаи шикаста", "Аспи бобом", "Косаи давр", "Майдон", "Гардиши девбод" каби ўндан ортиқ асарлари китобхонлар томонидан хушнудлик билан қабул қилинган. Ёзувчининг кичкинтойларга бағишланган "Ман ошнои ту, ту ошнои ман", "Гиряи хирс" сингари ажойиб ҳикоялари ҳозирги болалар қўлидан тушмай, завқ-шавқ билан мутолаа қилиб келинмоқда.***

***Абдулҳамид Самадов шу кунларда ўзининг қутлуғ 70 ёшини нишонламоқда. Биз адибни тожикистонлик барча ўзбек китобхонлари номидан қутлаб, қуйида унинг қаламига мансуб "Наврўз гули" асаридан парчани эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.***

# НАВРЎЗ ГУЛИ

**Асардан парча**

Болалик айёмидан бирга ўсган қишлоқ, Нигор булоғи, ям-яшил тепаликлар, Сафедоб дарёси каби ҳамиша кўз олдимда ширин-ширин намоён бўладиган дўстим - Далер бирор мактабда ўқимаган, зеро, у уч яшарлигида инсон зоти учун зарур ва хос ҳисобланган икки хислат - гапириш ва эшитиш ҳиссидан маҳрум бўлган. Аммо у ўзи ва отасининг номини хатосиз ёза олади, ҳар йили бошқалар каби ука-ю сингиллари учун рўзнома-ю ойномаларга обуна бўлади... Далернинг аччиқ қисматидан воқиф бўлганлар шўхлиги унинг бошига етган, бадбахтлик олиб келган, дейишади. Аниқроғи, ёзнинг иссиқ бир кунида у онасини ғафлатда қолдириб, ҳовлилари ёнидан оқиб ўтадиган дарё томон капалак мисол ошиқади. Болакай соҳилда лой тупроқдан ясалган уйча атрофига ўт-ўланлардан ниҳоллар ўтқазиб, сув олиб келмоқчи бўлади. Аммо... аммо ногаҳон сувга тушиб кетади. Ўша ерда ҳозир бўлганлар қий-чув кўтаришиб, Далерни қутқармоқчи бўлишади, лекин тўлқинлар забти улардан кучлилик қилади. Хайриятки, бир қизалоқ чопқиллаб бориб, тегирмончига бу ҳақда хабар беради. Кийим-бошлари, қошу киприклари, сочу соқоллари ун гардидан оқарган бир неча киши шамолдай елиб, бир лаҳзада анҳор бўйида пайдо бўлишади. Аммо, ҳайҳот, улар куппа-кундузи, ёруғ-равшан кунда болакайнинг ўлимига гувоҳ бўлишларини ҳис этишиб, даҳшатдан калаваларининг учини йўқотиб қўйишади. Ахир, тегирмон нави норасида гўдакни аждаҳодай ўз домига тортиб борарди. Шиддатли сув зарбидан ҳаракатга келиб, зил-замбил тегирмон тошини айлантирадиган бақувват парда домидан тирик чиқиш, худди ҳаллож чиғириғидан заррача бўлсин, зарар кўрмай ўтган инсон ҳақидаги афсонага ўхшарди. Кекса тегирмончи кўз очиб-юмгунча шаҳхонага етиб келди, ўзини у ерга ташлаб, кўпикли гирдоб қучоғидан ҳушсиз болакайни дарҳол соҳилга олиб чиқди ва юраги-ю қорнини уқалашга киришди. Болакайнинг оғзи-бурнидан сув отилиб чиқди, сўнгра бўйни аранг ҳаракатга келди, лабларига қон югурди.

-Жони бор! -қувончга тўлиб пичирлади кекса тегирмончи ва гўдакнинг томир уришини кўздан кечирди.

-Бахти чопибди... Ҳм, тегирмон парраги домидан тирик чиқмоқ ҳазил гап эмас, гўё онадан қайта туғилди. Иншооллоҳ, бу бола узоқ умр кўради.

-"Чиқмаган жондан умид", дейишган, -луқма ташлади воқеа гувоҳларидан бири. -Сув, ўт - офат, ишқилиб, бирор зиён етказмаган бўлса, яхши.

Далер ана шу ҳодиса касофати боис, кару гунг бўлиб қолди. Ота-онаси уни даволатиш учун кўп елиб-югуришди, аммо фойдаси бўлмади.

Дастлабки йиллар Далер кару гунг эканлигига парво қилмасди. Йўқ, эҳтимол, бизнинг назаримизда шундай туюлгандир. Аслида у ғам чекар, азоб тортарди, аммо аламини ичига ютар, юзага чиқармасди. Кураш, эшак пойгалари, югуриш, сузиш пайтларида агар ғолиб чиқса, кун бўйи хушу хурсанд юрар, лабу кўзлари, қўлу бармоқлари имо-ишораси билан ютуқларидан бизга ҳикоя қиларди. Мабодо ўйин давомида бирор бола шаккоклик қилса, ғирромлик қилса, ҳатто, укаси бўлса ҳам Далернинг ўткир нигоҳларидан четда қолмас, бу адолатсизликни дарҳол пайқар ва гуноҳкор, шубҳасиз, танбеҳ эшитар ёки қулоғи чўзиларди. У қишлоқ болаларининг юриш-туришлари, хатти-ҳаракатларининг қаттиққўл ҳаками эди ва ёлғону фирибдан жуда-жуда ранжирди.

Мактаб ёшига етдик. Ўқув йилининг биринчи куни Далер учун ҳам байрам эди. У чошгоҳда гузар болалари каби янги кийим-бош кийиб, қўлида портфели билан мактабда ҳозир бўлди ва жигарранг сумкасини очиб, дафтару қаламни муаллимларга кўрсатди, "гунгон" тили билан ўқиб, соч қўйган одам, яъни олим бўлишини тушунтирди.

-Эсиз бола, - пичирлади бизни саф тортишга чорлаётган бир муаллим. -Қалби - орзу-умидларга тўла, фаросатли...

Далер муаллимнинг қиёфаси ва лаблари қимирлашидан ниманидир сезди чамаси, бироз паришон бўлди, биздан унинг нима деганини сўради.

-Мақсадинг олижаноб! - бош бармоғини унга кўрсатиб тушунтирди муаллимнинг ўзи ва совуқ "оҳ" тортди:

-Шу ақлу фаросат билан кошки тилинг бўлсайди...

Далернинг кўзлари хушнудлик билан чақнади. У қувончдан терисига сиғмас, "Кўрдиларингми, муаллим нима деди?" - дея ишора қиларди. Ахир, у одамларнинг кўзлари чақнаши, лабларининг қимирлаши, қўлларининг ҳаракатига ишонар, уларнинг мақсад-ниятларини фақат ана шу нарсалардан ўқий оларди. Биз ҳам унинг ўзимиз ҳақидаги фикру андишаларини қиёфаси, лаб ифодаси, бармоқлари ва гунгона садоларидан фаҳмлаб олардик. Агар Далер кимгадир ишора қилиб, "воҳ" деса, бу яхшилик ифодаси, яъни яхши инсон деган маънони билдирарди. Мабодо юзи буришиб, лабидан "пулт" сўзи чиқса, димоғи куйиб, гуноҳкор томон қўл силтар ва бу ёмон бола, у билан гаплашиш фойдасиз, деган маънони ифодаларди. Бу ҳолатда "ёмон бола" аламдан ёрилса ҳам Далернинг фикрини инкор этиш, ўзини оқлаш учун оғиз очмасди, зеро, бунинг фойдаси йўқ. Бундай лаҳзаларда Далер оловланиб, лаблари пирпирар, кўзлари ўйнар ва қўллари калавадек айланиб, "ёмон бола"нинг яна бир неча гуноҳини фош этарди. Ҳа, саф тортиб, шоду хандон мактабга бордик. Байрамона кийинган муаллимлар бизларни мактаб ҳовлисида қарши олишди. Кутилмаганда улар Далерни кўриб, маъноли табассум қилишди ва директорга ниманидир тушунтиришди. У бир дам ўйланиб турди-ю, кейин деди:

-Қайси синфга кирса, ихтиёри, ранжитманглар. Ҳа, кўнгли нозик, кейин ўзи тушуниб етади.

Бирор соат ўтмай, жингалаксоч қизалоқ қўлида сапсариқ қўнғироқ кўтарган муаллима билан мактаб ҳовлисига кириб келди ва уялинқираб, узундан-узоқ қўнғироқ чалди. Бу биринчи қўнғироқ эди. Далер биз билан бирга синфга кирди ва менинг ёнимга ўтирди. Дарс бошланди. Муаллима бизга ўтириш, гаплашиш, ўзимизни қандай тутиш одобини тушунтирди. Ҳаммамиз жимгина, диққат билан унинг оғзидан кўз узмай, гапларини тинглардик. Мен кўз қири билан Далерга қарадим. У гўё игна устида ўтиргандай нотинч, хаёллари сочилган эди. Ногаҳон менга юзланди ва "Муаллима мен ҳақимда гапиряптими?" - дегандай жиддий ишора қилди. Бош силкитдим. Далер тинчланди, аммо хижолатдан юзларига қизиллик югурди, пешонасида тер томчилари пайдо бўлди. Танаффус учун қўнғироқ чалиниб, муаллима синфдан чиққач, болалар ғала-ғовур кўтаришиб, ўринларидан қўзғалишганда у ҳайрон бўлиб кунчковлик билан уларнинг қиёфаларига тикилди. Унга ҳеч гап бўлмаганлигини, ҳар қирқ беш минутдан кейин танаффус бўлишини тушунтиришди. Далер индамади, аммо мўйсафид мисол бир зум ўйга толди, сўнгра сумкасини кўтариб синфдан чиқди. Орқасидан югуриб бориб, елкасига қўлимни қўйдим. У димоғи куйган бир ҳолатда "Нима дейсан?" -деган маънода юзимга тикилди. Мен бирор марта бўлсин, унинг кўзларини бу даражада маҳзун кўрмагандим. Ҳа, кўзлари қизаринқираб, бироз намланган, лаблари эса, пир-пир учарди. Ҳеч нарса демадим. У ранжигандек қўл силтаб қайтди ва бошини қуйи эгди. Хаёлимда бир соатлик шубҳа-ю азоб уни ниҳоят хаста қилиб, шикастлаган эди.

-Ҳа, «бир соатда мактабни битирди». Ишора-ла орқасидан пичинг отишди, катта ёшдаги беғам болалар. Аммо Далер бунга эътибор ҳам бермади. Кару гунгларнинг бу дунёдаги топган бойликлари ана шу экан. Улар дилозор одамларнинг турли хил аччиқ-чучук гапларини на эшитишади ва на азобини чекишади.

Далер бир неча кун ўйинимизга қўшилмай юрди. Ниҳоят, бир куни Сафедоб соҳилида юмшоқ ва иссиқ қумга чўзилиб ётганимизда жимгина келди-ю, кийимларини ечиб, ёнимизга ўтирди, сўнгра ўқишимиздан сўради.

Болалар қўл кафтлари билан тупроқни текислаб, унинг устига бармоқлари билан ўрганган ҳарфларини ёзишди. У шавқ ила ҳарфларга узоқ тикилди, кейин қўлини силтаганича ўрнидан турди-ю, ўзини сойнинг совуққина сувига ташлади ва сузиб соҳилнинг нариги томонига ўтди. Эҳтимол, ҳаловатбахш муздек сув унинг аламини, юрак оловини пасайтиргандир. Ё ким билади, у биздан яшириниб, сув остида ҳасрат ёшларини ҳам тўкиб олгандир. Бир неча ҳафтадан кейин биз ўз ному насабимизни ёзишни ўрганиб олгач, сой бўйида унга бу ҳақда имо-ишора билан тушунтирганимизда табассум қилди ва ҳаяжон-ла кафтлари билан тупроқни текислади. Ўзининг, отасининг номини ёзишимизни илтижо-ла ишора қилди. Илтимосини бажардик. Уни ажиб бир хаёл чулғаб олди. Хаёлга ботди, кейин биз ёзган сатрлар остига эҳтиётлик билан бармоқлари учила ўзининг ва отасининг номини ёзди, қандай деган маънода бизга қаради.

"Воҳ! -жавоб беришди болалар. -Зеҳнинг ўткир, калланг жойида".

Далер болаларча қувончга тўлиб, ўша куни то қуёш ботгунча соҳилнинг текис қумлоқлари узра ўзи ва отасининг номини ёзишни машқ қилди.



Орадан кўп йиллар ўтди. Энди бизнинг дўстимиз - Далер қалбидан ўқиш ўрнига Ватан ҳимояси - аскарлик хизматига бориш ишқи ўрин олганди. У қишлоқ йигитларини ҳарбий хизматга жўнатиш тантаналарида, албатта, иштирок этар, уларнинг қўлларини қисиб хайрлашар, бу билан сизлар бепарво кетаверинглар мен, албатта, орқаларингдан бораману кинода кўрганларимиз, барча бадбашара, бурни қийшиқ фашистларни қириб ташлайман, деб тушунтиргандай бўларди. Бундай ҳолатларда унинг чақнаб турган кўзларидан ғазаб ва қасос учқунлари сочиларди. Йигитлар Ватан хизматини ўтаб қайтганларида, ўзини қўйгани жой тополмасди: уларнинг хонадонларига бориб, ҳар бирини бағрига қаттиқ босар, табриклар, кейин ҳарбий кийимларига ҳавас билан боқарди. Бунинг маъносини тушунган аскар йигитлар ҳам бош кийим, либосу ялтираб турган қоп-қора этикларини унга кийдиришар ва бундан Далернинг боши осмонга етарди. У ҳарбий кийимда қоматини тик тутиб, жасурона қадам ташлар, ғурур билан ҳозир бўлганларга боқарди: ярашдими? Катта ёшдагилар "воҳ!" -дея бош бармоқларини кўрсатишарди ва бундан у шунчалар хурсанд бўлардики, тасвирига қалам ожиз. Кейин ярим кечагача халқ ибораси билан айтганда, бир оёқда тик туриб, халққа хизмат қиларди: қўлга сув қуярди, дастурхон ёзарди, овқат келтирарди. Ёшу қариларга ҳам аскарликка боришини ва ана шундай чиройли кийимлар кийиб, "воҳ!", яъни гўзал ва бақувват бўлиб қайтишини тушунтирарди. Аммо бу орзу Далернинг қалбида ҳали ҳам орзулигича қолиб кетди...

Далер барвақт колхозга аъзо бўлди. Бақувват, дасту панжали йигитнинг қишлоқ кўчаларида болакайлар билан беҳуда юриши азобу алам эди. Йўқ, Далер бекор ўтиришни истамасди. У доимо ҳамманинг дастёри эди. Бирор кампир ёки чолнинг ишини қўлидан олар, кимнингдир боғини суғорар, бошқа бировнинг томини ёпишга кўмаклашар, учинчи бир кишининг эса, уйини оқлаб берарди. Аммо кенг, барҳаво далада одамлар билан ишлаш, муомала қилиш унинг учун ҳузури жон эди. Биз ҳам дам олиш кунлари ва дарсдан кейин далага чиқар, Далер билан ёнма-ён туриб зовурларни тозалар, пахта ниҳоллари тагини юмшатардик ёки экинзорлардаги бегона ўтларни юлиш билан шуғулланардик. У бизнинг дийдоримиздан оғаларча шод бўлиб, танбал, дангаса эмаслигимиз учун эркалатиб қўярди. "Иш воҳ!" - насиҳат қилгандай тушунтирарди у. - Одамни хон, яъни бардам қилади". Албатта, бундай дамларда бизнинг лабларимизда кинояли кулги қўзғалар ва буни кўрган Далер худди хасдай ловуллаб ёнар ва фикрларини исботлаш учун бир неча ойлик иш давомида қуёшда тобланган мушакларини бизга намойиш этарди. Дарвоқе, меҳнат унинг фақат жисминигина эмас, балки фаросати, кийим-бошини ҳам ўзгартириб юборганди. У қорин қўйган, корчаллон, хушомадгўйларни ёқтирмас, турли хил имо-ишоралар билан уларни масхара қиларди. Далер мўйлов қўйиб, соқолини доимо дид билан қиртишлатиб юрар, далага ҳам тоза кийиниб келарди. Бунинг сабаби бор экану, биз эса бехабар.

Бир куни уриб Соҳибнинг оғзи-бурнини қонга бўягач, сир фош бўлди-қолди. Бунинг гуноҳкори Рухсора эди. Кулги-ю қаҳ-қаҳаси далани тўлдирадиган бу гўзал ва ўйноқи кўз, ширинсўз қиз бир куни Нигор булоғи лабида дугоналари гувоҳлигида Далерга ҳазиллашиб: "Агар менга "воҳ" машина, яъни "Волга" олиб берсанг, сендан бошқага тегмайман", -дебди. Ана шу ҳазил ишора Далернинг қалбига олов ёқиб, ишқ васвасасини солади. Эҳе, у вақтлар Далер хаёлида Рухсора каби паризод учун машинагина эмас, балки осмондаги юлдузни ҳам олиб беришга тайёр эди. Лекин бу савдодан бехабар хомхаёл Соҳиб Сафорат соҳилида Рухсора билан "Шоҳдухтар - шакар духтар" қўшиғини куйлайди, - бу ҳам ҳали ҳеч гап эмас, унинг юзига сув сепиб, чопиб бориб билагига қўл солган ҳам эдики, Далер худди осмон балосидай қаердандир пайдо бўлиб, унинг ёқасидан олади-ю сабзи-пиёзнинг нархини ҳам сўрамай, залворли муштлари билан унинг оғзи-бурнини қонга тўлдиради. Бир нафасда қўшиғу ўйин ўрнини қизларнинг ваҳимали қийқириқлари босиб кетади. Биз жон ҳолатда уларнинг орасига кириб, Далернинг қўлини зўрға Соҳибнинг ёқасидан ажратиб олдик. У ғазабининг зўридан худди безгак тутган касалдай дағ-дағ титрар, оловли кўзларини Соҳибдан узмасди, Соҳиб эса, нима бўлганини тушунмай, лолу ҳайрон, қонаган оғзи-бурнини рўмолчаси билан артиб: -Сўранглар-чи, нега у бадбахт мени сабабсиз урди экан? -деди.

-Сен пурт, сенинг калланг йўқ! - ишора қилди Далер ва яна ўша кокилдарозга, яъни Рухсорага шунақа муомала қилсанг, бошинг танангдан жудо бўлади, дея тушунтирди. Ҳамма бирданига кулиб юборди. Бундан Далер янада аччиқланди ва шошганича Соҳибнинг бурни тагига келиб, ахир, биз жўра эмасми? -дея ишора қилди...

*Тожик тилидан Омонбой ЖУМАНОВ таржимаси.*




**Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.**

## МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

***САВОЛ:***

- Мен ноҳиядаги идоралардан бирида бир вақтнинг ўзида бир неча вазифани бажараман. Аммо битта вазифа юзасидан маош оламан. Директоримиз сўзига кўра, битта вазифага маош мумкин экан. Чунки меҳнат шартномамизда битта вазифа кўрсатилганмиш… Айтингчи, бир меҳнат шартномасида бирданига икки ёки уч вазифани ёза оламизми? Масалан, бир меҳнат шартномасида қурувчи, прораб, кассир, деб ёзсак бўладими?

*Улуғбек Саидов, Рўдакий ноҳияси.*

***ЖАВОБ:***

- Тожикистон Республикаси Меҳнат кодексининг 4-боби, 26-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномаси бу иш берувчи ва ишчи ўртасидаги келишув ҳужжатидир. Ва шу ҳужжат асосида ишчи ишларни бир ёки бир неча касб, вазифа, ихтисос, тегишли даражаси юзасидан ички меҳнат тартибига риоя қилган ҳолда, белгилаши ва ижро этиши лозим. Такрорлайман: ички меҳнат тартибига риоя қилган ҳолда, белгилаши ва ижро этиши лозим.

Иш берувчи эса, ишчининг меҳнат шартномасида кўрсатилган вазифаси ва бажарган иш ҳажми учун маош қонунчилик ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар меъёрларига кўра яхши иш шароити ва ойлик билан таъминламоғи лозим.

*Шоймардон ХОЛМУРОДОВ, ҳуқуқшунос.*


## ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

***БАРҲАМ МЕХЎРАД***

Кооперативи тиҷоратии "Саидикром", ки бо РЯМ 6510001566, РМА 655077516 ва шаҳодатномаи №0288675 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Шаҳристон 30.01.2016с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

Ҷамъияти саҳомии пушидаи «Қасри варзишии иттифоқҳои касабаи Тоҷикистон», ки бо гувоҳномаи № 03/002179 ва РМА 030021795, РЯМ 0310011094 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Фирдавсии ш. Душанбе 27 апрели соли 2012 аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

***ЭЪТИБОР НАДОРАНД***

Патенти гумшудаи соҳибкори инфиродӣ Ашурбекова Зулайхо Тағоймуродовна , ки бо РЯМ 1230115746 ва РМА 126214459 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Рудакӣ 17.05.2014с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

***

Шаҳодатномаи гумшудаи хоҷагии деҳқонии "Мусо-М", ки бо РЯМ 1030013629 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Лахш 15.02.2013с. аз қайд гузашта буд, аз эътибор соқит карда шавад.

*Рўзномаи «Халқ овози» ҳар гуна эълонҳоро бо нархҳои дастрасу арзон бо забонҳои ўзбекӣ, тоҷикӣ ва русӣ чоп мекунад. Барои ин шумо ба рақами телефони мазкур муроҷиат намудаватон лозим аст. Тел: 2-38-55-70*

*«Халқ овози» газетаси турли хил эълонларни арзон ва қулай нархда ўзбек, тожик ва рус тилларида чоп этади. Бунинг учун сиз қуйидаги телефон рақамига мурожаат этишингиз лозим. Тел: 2-38-55-70*


### Ҳамдардлик билдирамиз...

***Отахон шоиримиз - Ўлмас Жамол, дарҳақиқат, халқимизнинг кўнглидан жой олган ижодкор эди. Редакциямизга ҳамон мамлакатимизнинг турли гўшаларидан ҳамдардлик баён этилаётган қўнғироқлар бўлиб турибди.*** **Жумладан,**

***Мир Саид Али Ҳамадоний ноҳиясидан, шоир:***

**1. Азиз Раҳмонқулов.**

***Темурмалик ноҳиясидан, тадбиркор:***

**1. Баҳоводдин Тоғайқулов.**

***Душанбе шаҳридан, ҳисобчи:***

**1. Қурбонали Мусулмонов**

**ва бошқалар севимли шоиримизнинг яқинлари, оила аъзолари, кўпсонли шогирдларига таскинбахш дил сўзларини изҳор этишди.**

# ПАМФЛЕТДА ҲАЁТ ҲАҚИҚАТИ

## Ёхуд "ЗАНКАЛОН" китоби мутолаасидан кейинги ўйлар…

Памфлетни журналистикада жанговар жанр, дейдилар. Чунки у реал шахснинг ному насабини кўрсатмасдан, жамиятдаги камчиликларни ёритади. Муштарийлар бўлса, памфлет мутолаасидан сўнг, мавжуд камчиликларни тўғрилашга киришади.

Охирги йилларда вақтли матбуот саҳифаларида памфлет жанри кам кўзга ташланмоқда. Яқинда журналист Қурбон Шарифий "Занкалон" (Душанбе, "Русская литература", 2017, 88 бет) китобини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Мазкур китоб бир нечта памфлет ва қизиқарли материаллардан ташкил топган. Памфлетлар турли мавзуларда ёзилган. Агар "Хиёнат"да олий ўқув юртларидаги имтиҳонлар тест орқали топширилиши назарда тутилган бўлса, "Реанимация" бизни беморларни муолажа қилиш пайтидаги аҳоли, саломатлигига доир муаммоларга рўпара қилади. Муаллиф памфлет яратиш вақтида ташбеҳ, киноя ва истиоралардан фойдаланган ҳолда, ўзига хос услубни қўллаган. Муаллиф ўз памфлетлари билан жамият дардига малҳам бўлишни истайди ва маълум бир маънода ўз мақсадига эришган ҳам, десак муболаға бўлмайди.

Бу мажмуадаги энг қизиқарли ва эсда қоларли памфлетлардан бири, бу китоб номи бўлган "Занкалон"дир. У жуда ғайриоддий бошланади. Масалан, тожикларнинг оила маданиятида "занкалоний" ("хотиннинг қули" бўлиш) номатлуб амал сифатида баҳоланади. Яъни баъзи янги оила қурган йигитлар ҳаёт нималигини билмасдан, оилада ўз ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида турли қабул қилиб бўлмас амалларни ишга солади. Бу эса, хотин учун таҳқир саналади. Ажабланарлиси шундаки, улар бу ишларнинг натижаси нима бўлишини англаб етмайдилар. Бошқа томондан эса, бу борада "ҳаракат" қилмаса, оилада тушунмовчилик юзага келиб, уни "хотиннинг қули" дейдилар. Намуна: "Хиромон онаси номидан тўйга таклифнома олди. Саккиз ойдан буён ота уйига бормаган. Шу боисдан, ота-онаси ва қариндош-уруғларини соғинганди. Келинчакнинг икки-уч кун олдин кетиши жаҳлдор куёвнинг кўнглига гумон солди ва келинни онасининг уйига боришига йўл қўймади. Ҳатто, сенга чимилдиқ ортида мен "хотиннинг қули" эмасман дегандим, агар гапимни икки қиладиган бўлсанг, пушаймон бўласан… - деган гапини эслатиб, келинчакни дўппослаб, охири йиқитди.

Тун ярмидан оққанда, Хиромон бел оғриғидан уйғониб кетди. Тишларининг синганини кўриб, афсусланди. Аламидан ўзининг бу аҳволига йиғлаб, ачинди…

Эри Хуршед унга нисбатан эътиборсиз қаради. Уни ноҳия марказидаги стоматолог врачнинг олдига олиб келишди.



Эрининг розилиги ва пул тўлаганидан сўнг, унга тиш қўйишди. Келинчак укасининг никоҳ тўйида қатнашди. Тўйга йиғилган қариндош-уруғлар Хуршед беш ярим ой Россияда ишлаб келиб, топган пулига хотинига тилло тиш қўйиб берибди, деб ўйлашди.

Бу пайт кайфи таранг Хуршед даврада чарх уриб ўйнарди-ю, қилган пасткашлигининг оқибатидан бехабар эди. Ўйин-кулгудан маҳрум бўлган Хиромонни ич-ичини бир нарса кемирарди гўё, аммо сир бой бермасди...

Тўйнинг авжида Хуршедни уйга чақиришди. Хотини поёндоз устида йиқилиб ётарди. У бола ташлаган эди, жонсиз бола… Хуршед бошқалар қатори ич-этини еб, нола қилди. Тўй мотамга айланди. Ёш келин-куёв боши эгик ҳолда уйга қайтишди.

Вақт ўтди. Бу воқеа каттакичикнинг тилида эртакка айланди. Бироқ қишлоқнинг бирор кишиси куёвга нисбатан нафратланмади. Аксинча, Хуршед Қориён қишлоғидагилар учун "идеал" бўлиб қолди. Негаки, у "хотиннинг қули" эмас ва қўшнилар имтиҳонидан "ёруғ юз" билан ўтди.

-Эркак хонадон устуни, оила мустаҳкамлиги унинг зиммасида, - деб айтарди кексалар. Бошқа пайтда эса: - Агар аёл ўз эрининг гапларига қулоқ солмаса, хотин қули бўлиш шундан бошланади,- дейдилар. Муаллиф эса, хотин қули бўлиш каби номақбул амални эркакларнинг ўзи тарқатиши, агар улар ўз ўрнида мустаҳкам бўлса, ҳеч қачон бундай номақбул амал юзага келмаслигини таъкидламоқчи бўлади.

Қурбон Шарифий "Занкалон" памфлети интиҳосида андишасизлик бизни фожиага олиб боришини таъкидлайди. Биз ҳозиргача ҳаёт кечиришнинг юксак маданиятини ўрганмадик. Аксарият никоҳлар ҳукмномага ўхшайди. Чунки уларда бизнинг хотинларимиз хизматкорликка тавсия қилинади. Муаллиф жуда ўринли таъкидлайди: "Совчилар сизникига келишган пайт қизингизни фарзандликка қабул қилиш истаги борлиги ҳақида ёлғон гапирадилар. Бу уларнинг содда ва сохта ёлғонларидир".

-"Занкалон" памфлетининг марказида аёл ҳуқуқ ва эркинликлари ётади. Баъзи андишасиз йигитлар "хотиннинг қули" бўлишдан қўрқиб, "муқаддас саналмиш оила ва муҳаббат қўрғонини зулм ва қийноқ ғиштлари билан қурмоқчи бўладилар, - дейди муаллиф. Бу эса, кечириб бўлмас амалдир. Инсон учун тинч ва хотиржам ҳаёт ҳамма нарсадан - устун. Одам боласи ўз умрини шундай ўтказмоғи керакки, охирида афсусу надоматга ўрин қолмасин.

"Танзим, хурофот ва ўлим" материали куннинг долзарб масаласига бағишланган бўлиб, "сварщик" Раҳимбой тақдиридан ҳикоя қилади. Эркак хотинининг таъна-ю маломати ортидан Россияга бориб, иши юришмай, ногирон бўлиб қайтади. Қайтиб келганда ҳам Руқиянинг маломатларидан қутулмайди ва чўпон Диловарнинг тўйида қатнашиш вақтида инфарктга чалинади. Касалхонага етмасдан, Раҳимбой жонини Ҳаққа топширади.

Мазкур памфлетнинг хулосаси шундан иборатки, юртимизда миллий тантана, анъана ва урф-одатларнинг тартибга солиниши ортидан баъзи бир эркак ва аёллар ўз ақлларини йиғиштириб олишлари лозимлигига урғу берилган.

Мазкур китобнинг яна икки материали: "Кўз ёшланувчи хотиралар ёки Ватаним қишлоқларининг лой кўчаларидаги бир лаҳза", "Муҳожират ва миллий тафаккур" муаллифнинг Россия Федерациясининг Омск шаҳрига уюштирган (2006 йил) олти ойлик сафари таассуротларидан ёзилган. Биринчи материал чалғувчи Саидмурод Ёқубов сиймосидаги муҳаббат рамзидир. Унинг дилтортар куйлари тожик муҳожирларини тўплаб, бир зум бўлса-да, Ватан ёди билан ҳузурланишга ундайди.

**Янги китоблар**

Иккинчи материалнинг бошланиши жуда ажойиб. Муҳожирларнинг дарди ва уларнинг кейинги азоблари муаллифни қайғуга солиб, кўрган-эшитганларини ғамхўрлик ва изтироб ҳисси билан қаламга олишга ундаган. Шунингдек, муҳожирликнинг қонуний ва самарали йўлларини ўртага ташлайди. Албатта, муҳожирлар ва давлатнинг тегишли органлари ўртасида мустаҳкам алоқа бўлмаслиги уларнинг хорижий мамлакатларга сафарлари пайтида нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Қурбон Шарифийнинг "Тожик журналистикаси мактаби: у қандай бўлиши керак?" ва "Тожик журналистикаси соҳавий мутахассисларга эҳтиёж сезади" номли мақолаларини соҳа чуқур таҳлил қилинган материал дейиш мумкин. Рус адиби Анатолий Рубиновнинг фикрини жуда ўринли ишлатган: -"Бирор давлат ва бирор сиёсатчи журналистиканинг ёрдамисиз ўзининг сиёсий мақсадларига эриша олмайди". Тожик журналистикаси мактабининг такомиллашиши учун эса, муаллиф соҳа донишмандлари ва мутахассисларининг фикрини далил сифатида келтиради. Бу борада, тажрибали устозлар ва таълим марказларидаги моддий-техник етишмовчиликларни ўз ечимини топмаган масалалар сирасига киритади. Агар бундай мактабга эга бўлмасак, немис файласуфи Шпенглер айтганидек, яқин келажакда 3 ёки 4 дунё газетаси маҳаллий газеталар онгини ва улар воситасида "халқ иродаси"ни тўлиқ бошқаришади.

Тожик журналистикаси мактабининг касбий мутахассисларга эҳтиёж сезиши борасида, муаллиф радио ва телевидение мухбирлари сўзларидан иқтибос келтириб, бу йўналишда биз қаерга келиб қолганимизни айтмоқчи бўлади.

Мисол учун, "Оилада фарзанд муҳимми ёки эр?", "Устоз Мунавваровлар устоздир", "Ҳаётда бирор хатолик қилганмисиз?", "Жонли эфиримиз жонли тақдим этилади" ва шунга ўхшаш.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Телевидение ва радио комитетининг собиқ раиси Асадулло Раҳмон айтганидек: - "Бизнинг касбий мутахассисларга эҳтиёж сезишимиз вақтли матбуот саҳифалари, радио ҳамда телевидение кўрсатувларининг сифатидан билинади. Журналист суҳбатлашаётган кишисининг соҳасини яхши билсагина, кўрсатув яхши чиқади". Бизнинг ахборот муҳитимизга соҳавий журналистлар керак. Ёки марҳум Акбарали Саттор айтганидек: - Аслида, журналистикани аудиторияларда ўргатиш мумкин эмас. Студентлар доим оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда бўлиши керак. Шундай қилиб, муаллифнинг келтирган далиллари жуда табиий ва ўринли бўлиб, бу камчиликларни ҳал этиш тожик журналистика мактабининг ривожланишига ҳисса қўшиши аниқ.

Китобдаги расмлар рассом Насиба Назарзода томонидан ишланган.



"Занкалон" китоби "Русская литература" нашриёти раҳбари Сайфулло Фаттоев кўмагида чоп этилган.

Журналист Қурбон Шарифийнинг "Занкалон" китоби бадиий сўз ихлосмандлари ва вақтли матбуот ходимлари учун манзур келишига умид қиламиз.

***Сипеҳри ҲАСАНЗОД, адиб ва журналист.***


## Москвада олий маълумот олишни истайсизми?

**Олий таълим муассасаси танлашда иккиланяпсизми? Таҳсилни қаерда давом эттиришни билмайсизми? Сизни Москвадаги Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институти (ХИҲИ)га таклиф этамиз.**

ХИҲИ - Россия Федерациясининг муҳлатсиз лицензияси асосида ишлаётган ва давлат аккредитациясидан ўтган етакчи олий таълим муассасаларидан бири. ХИҲИнинг бошқа олий таълим муассасаларидан фарқи шундаки, бу ерда таҳсил масофавий равишда йўлга қўйилган бўлиб, билим олиш учун студентнинг Москвада бўлиши шарт эмас. Студент ер шарининг қайси нуқтасида бўлмасин, таҳсил жараёнида қатнаша олади. Масалан, ёшлар ҳарбий хизматда ёки қизлар турмушга чиққан бўлсалар-да, турар манзили ҳамда иш ва фаолият юритадиган жойларидан туриб, масофавий равишда таҳсил олиб, маълумот эгаси бўлишлари мумкин.



Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институтида таҳсил олиш яна қандай афзалликларга эга?

* Таҳсил қиммат эмас. Танлаган касбингиз билан боғлиқ ҳолда, шартномалар 3 минг сомоний ва ундан зиёд маблағга имзоланади;

* ХИҲИ биноси Москва шаҳрида жойлашган;

* Студентларнинг ота-она ёрдамига муҳтож бўлмасликлари учун таҳсил вақтида ишлашга ҳам ижозат берилади;

* Тожикистон Республикасидан бўлган абитуриентлар фақат тест имтиҳонлари асосида қабул қилинади. Бу эса, жуда осон;

* Абитуриентларга бир вақтнинг ўзида ХИҲИдаги иккита йўналиш (иқтисодиёт ва ҳуқуқ)га ҳужжат топшириш ва уларни ўрганиш имконияти берилади;

* Институт дипломи халқаро мақомга эга бўлиб, дунё миқёсида амал қилади;

* Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институти қошида аспирантура ҳам мавжуд. Лаёқатлилар институтни битиргандан сўнг, таҳсилни аспирантура босқичида давом эттириши мумкин;

* Халқаро иқтисодиёт ва ҳуқуқ институтига қабул қилинган барча абитуриентлар таҳсил жойига ташкилий тарзда етказилиб, ётоқхона билан таъминланадилар. Ётоқхонада яшаш пуллик.

**Қабул кунлари:** ҳар шанба куни соат 10:00да, 5 августгача. **Манзил: Душанбе шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 78 ("Армуғон" биноси).**

**Янада тўлиқроқ маълумот олиш учун 905-00-53-88 телефон рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.**


# Келажаги порлоқ ёшлар

Меҳру муҳаббат, вафо-садоқат ва солиҳ амаллар бу дунёда абадий. Исписор қишлоғида яшовчи Мақсуджон Муйдинов - ана шундай ниятлар билан яшайдиган инсон. Бу кишининг елиб-югуришлари билан Исписор, Қатаған қишлоқларида талайгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мақсуджон аканинг саъй-ҳаракатлари билан унжилик шоира Шарифа Абдуллаеванинг «Шукрона» номли китоби чоп этилди. Қатағанлик шоир Маҳмуд Жўшқин тўғрисидаги «Ёднома» китоби нашрдан чиқди. Исписорнинг Заркор маҳалласидагиларга тоза сув етказиб беришда Мақсуджон ака токар сифатида хизматларини аямади.

У кишининг ташаббус ва ҳаракатлари билан Содирхон Ҳофиз номли Хўжанд шаҳар мусиқа коллежининг толибаси, Суғд вилояти «Чаманоро» рақс ансамбли аъзоси Тахмина Рустамзоднинг «Ғунча гуллаганда» номли китобининг чоп этилганлигини эшитиб, бошим кўкларга етди.

Кимёгар бўлсам-да, адабиёт ва санъат шайдосиман. Мақсуджон ака орқали шу қизимиз ижоди билан яқиндан танишиб, унга Аллоҳ томонидан ажойиб фазилатлар ато этилганини ҳис қилдим.

Авваламбор, унинг қўшиғини тингладим. У Тожикистон тўғрисида жўшиб қўшиқ айтади. Давраларда куйлаганда ҳаммани ром этади.

Тахминанинг рақсини томоша қилган киши унга мафтун бўлмасдан иложи йўқ. Шу боис ҳам, Хўжанд шаҳридаги мусиқа ва санъат мактабига ўқишга кирганиданоқ бу дилбар қизни «Чаманоро» вилоят ансамбли ва Бобожон Ғафуров ноҳиясидаги «Шашмақом» ансамблига ишга таклиф қилишди.

Шоиранинг шеърларида ота-она, Ватан, севги, вафо-садоқат, одамийлик, яхши фазилат ва солиҳ амаллар ҳақида чуқур фалсафий фикрлар ўз аксини топган. Мен унинг шеърлари мухлиси сифатида келгусидаги ижодий ишларида зафарлар тилайман.

Азиз Тожикистонимизда Тахминага ўхшаган ёшлар кўп, деб ўйлайман. Шу боис ҳам Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон 2017 йилни бежизга Ёшлар йили, деб эълон қилмаган. Тахминага ўхшаган қизлардан Маҳасти Хўжандий, Увайсий, Зебунисо, Дилшоди Барно, Зулфия, Фарида Афрўз, Фарзона каби буюк шоиралар, Малика Қаландарова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Дилафрўз Жабборова, Фируза Солиҳова, Зебо Аминзода сингари санъат осмонининг юлдузлари етишиб чиқишига ишончим комил.

Тожикистонимизнинг Тахмина Рустамзодга ўхшаган истеъдодли ёшларининг келажаклари порлоқ эканлиги, шубҳасиз.

***Ҳабибуллоҳон НАСРИДДИНОВ, академик Бобожон Ғафуров номли Хўжанд Давлат дорилфунуни доценти, химия фанлари номзоди.***


**халқ овози**

«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ. Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.

«Голос народа» - на узбекском языке. Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель: Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

**Бош муҳаррир Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА**

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхоҳ - 2-38-54-02. Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36, котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

**Таҳрир ҳайъати:**

*Раҳмон Озода ЭМОМАЛИ*
*Абдужаббор РАҲМОНЗОДА*
*Давлатшоҳ ГУЛМАҲМАДЗОДА*
*Абдураҳмон ҚОДИРИЙ*
*Шодихон ЖАМШЕД*
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. Э. Шукуров. (1-4 саҳ.)*
*2. А. Мирзааҳмедов. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: Э. Шукуров.*

**Электрон почтамиз:** Halkovozi1929@mail.ru

**Сайтимиз:** http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

**Босишга рухсат этилди:** 2 август соат $16^{00}$ Тиражи 5672 нусха.

**Газетанинг сотув нархи - эркин.**

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.